

Низолар ниҳоя топмагунча бир лаҳза жим турмаймиз

4-с.

Инсон қадри йўлидаги қадамлар рақамларга сиғмайди

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
7 НОЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№90
(2418)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

БУГУНГИ СОНДА:

“Эришилган натижа — бизни тўхтатиб қўймайди”

Халқимизда “Бирлашган ўзар”, деган ибратли нақл бор. Ҳудуддаги ижтимоий ва инфратузилмавий муаммоларни давлат дастурлари ва “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали биргаликда, овоз бериш жараёнларида фаол ҳал этяпмиз.

5-с.

Қарз билан бошланган оилада барака бўлмайди

Тўйдан олдинги мажбурий расмиятчиликлар — қимматбаҳо мебеллар, энг сўнгги русумдаги маиший техникалар, тоғдек сеплар ва бир неча юз кишилик дабдабали тўйлар. Бу орзу-ҳавасларнинг аксарияти қарз ёки кредит эвазига амалга оширилади.

6-с.

Сув тагида сузоқ ичмоқ...

Бу ибора ўз мақсади, қилаётган иши ёки ҳийласини бошқаларга сездирмасдан, усталик ва пинҳона амалга оширадиган кишиларга нисбатан ишлатилади. Бундай одамлар ташқаридан қараганда беозор кўринади, аммо ўз режасини билдирмасдан амалга оширишга уста бўлади. Ибора таркибидаги “сузоқ” сўзи сув олиш учун ишлатиладиган идишни англатади.

7-с.

Ҳар бир ғалаба янги мақсад сари қўйилган қадам

Спортда шундай ғалабалар борки, улар фақат бир кишининг шахсий ютуғи бўлиб қолмай, бутун мамлакатнинг ғурурига айланади. Майдондаги бир неча дақиқалик беллашув ортида эса йиллар давомидаги машаққат, қатъият, сабр ва ўз кучига ишонч мужассам бўлади.

8-с.

БИЗНИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА КУЗАТИНГ!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?



МАҲАЛЛАДОШИМ, ИСРОФДАН БАХТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Ёхуд тўкин тўйлар соясида синган тақдирлардан нега сабоқ чиқармаймиз?

Бугун маҳалламиздаги бир оғриқли масала мени раис сифатида ҳам, ота сифатида ҳам жиддий ўйлантиради. Инсон фарзандининг тўйини кўришни, уни эл-юрт олдида муносиб кузатишни истайди. Бу табиий. Аммо баъзан яхши ният билан бошланган ҳаракат ортиқча дабдаба, кимўзарга сарф-харажат қилиш ва эл олдида обрў орттириш пойгасига айланиб кетяпти.

Энг ачинарлиси, ўша бир кунлик ҳашам, бир неча соатлик ресторан тантанаси учун йиллаб чет элларда сарсон бўлиб топилган пуллар, тиш ёриб айтилмайдиган уятли қарзларнинг заҳри тўйдан кейин тўғри ёш келин-куёвнинг елкасига тушяпти. **Хўш, биз бу билан фарзандларимизга бахт улашяпмизми ёки уларнинг бўйнига қарз занжирини иляпмизми?**

Оила мустаҳкамлиги тўйнинг қанчалик тантанали ўтгани билан белгиланмайди. Тўйхонанинг чироқлари ўчиб, қарсаклар тингач, ҳаётий воқелик — **рўзғор, бир-бирини тушуниш, масъулият,** деган синовлар бошланади. Афсуски, кўп гувоҳи бўляпмиз: тўйдан кейинги дастлабки ойларданоқ қудаларнинг ортиқча ва асоссиз талаблари сабаб кечагина чиройли ният билан қурилган оилалар жиддий келишмовчиликларга дуч келади. **Сочилган миллионлар, афсуски, синган тақдирларни, бахтсиз оилаларни қутқариб қола олмаяпти.**

Биз қачон кўзимизни очамиз? Тўйхонадаги беҳуда исрофга учган ўша маблағларни фарзандимизнинг таълимига, соғлиғига, ҳаётда мустаҳкам оёққа туриб олиши учун бошланғич сармояга йўналтирсак, жамиятимиз мана шу маънавий боши берк кўчадан чиққан бўлармиди? Кимларнингдир мақтови учун сотиб олинган ўша ҳашам бахтсиз фарзанднинг кўз ёшига арзийдими?

Давоми 2-саҳифада.

МУҲАРРИР МИНБАРИ

ЖИНОЯТНИНГ ИЗИНИ ЭМАС, ИЛДИЗИНИ ИЗЛАШ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев ҳуқуқбузарликлар профилактикасини замон талаблари асосида такомиллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди. Унда қайд этилганидек, жорий йилнинг ўтган даврида криминоген вазияти энг оғир бўлган 809 та маҳалланинг 701 таси, шу жумладан, беш йилдан бери “қизил” тоифада бўлган 68 та маҳалланинг 49 таси ушбу тоифадан чиқарилди. Қарийб 4,4 мингта маҳалла “яшил” тоифада қолмоқда.

Маҳалладаги профилактика ишларига назар ташласак, бир ҳақиқат кўзга ташланади: кўп ҳолларда эътибор жиноят содир бўлганидан кейин кучаяди. Масъуллар йиғилади, ҳолат ўрганилади, сабаблар таҳлил қилинади, профилактик тадбирлар ўтказилади. Аммо савол туғилади: шу оиладаги низо, ўша ёшнинг назоратсизлиги, фуқаронинг муаммоли вазиятга тушиб қолгани бундан олдинроқ сезилмаганмиди?

Оилавий зўравонлик мисолида буни яққол кўриш мумкин. Одатда бундай фожиа бир кунда юзага келмайди. Авалига ўзаро ҳурмат йўқолади, кейин мунтазам жанжаллар, ҳақорат, таҳдид ва тазйиқ пайдо бўлади. Бу жараёнда жабрланувчи кўпинча ёрдам сўрашга қийналади, фарзандлар эса носоғлом муҳитда улғаяди. Агар маҳалладаги масъуллар бу белгиларни ўз вақтида пайқаса, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, психолог ва тегишли ташкилотлар биргаликда манзилли иш олиб борса, оғир оқибатнинг олдини олиш мумкин.

Ишсизлик, даромадсизлик, қарздорлик, гиёҳвандликка мойил муҳит ёки ёшларнинг назоратсиз қолиши ҳам профилактикада эътибордан четда қолмаслиги керак. Лекин бу ерда нозик бир жиҳат бор: **ижтимоий муаммога дуч келган ҳар бир инсонни эҳтимолий ҳуқуқбузар сифатида баҳолаш мумкин эмас.** Ишсиз фуқарони иш билан таъминлаш, қарздор оилага иқтисодий ва ҳуқуқий кўмак бериш, низоли хонадондаги вазиятни юмшатиш — буларнинг барчаси жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қиладиган амалий чоралардир.

Демак, профилактиканинг биринчи вазифаси — муаммони хавфли ҳолатга айланишидан олдин кўришдир.

Давоми 2-саҳифада.

7



Болалар дастурхонидаги назорат: СУТНИНГ ҚАДОҒИ БУТУН, СИФАТИ-ЧИ?

8



Газ бозорида оловли синов: КИМ ЮТАДИ, КИМ КУЯДИ?

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА

Одамлар кутган ўзгаришнинг қадри баланд бўлади

Маҳалладаги ўзгаришларни баҳолашда кўпинча ташқи манзарага эътибор қаратамиз. Аммо бу ишлардан кейин одамларнинг ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди? Масалан, қишлоқда яшайдиган деҳқон ўз маҳсулотини бозорга осон олиб чиқадими, тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқаро бунга шароит топадими, хонадонларга сув ва электр узлуксиз етиб борадими? Аслида, ободликнинг ҳақиқий мазмуни шу саволларга берилган жавобларда намоён бўлади.



“Себзор”да бугун айнан шундай ўзгаришларга асос яратилмоқда. Қарийб 3 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда оилаларнинг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳолининг 94 фоизи боғдорчиликка ихтисослашган. Олма ва ўрик етиштириш бу ерда кўплаб хонадонларнинг йиллик даромади, оилавий меҳнати ва турмуш тарзидир.

Бироқ боғдорчилик билан шуғулланишнинг ўзи фаровонликни кафолатламайди. Ҳосил етиштиришдан тортиб уни сақлаш, ташиш ва сотишгача бўлган жараёндаги шароитлар ҳам муҳим. Ички йўлларнинг ҳолати, сув таъминоти, электр энергиясидаги узилишлар бевосита деҳқон меҳнати самарасига таъсир кўрсатади. Шу маънода, “Себзор”да инфратузилмани янгилашга иқтисодий ривожланиш билан уйғун ҳолда қараляпти.

Давоми 2-саҳифада.

МАҲАЛЛА: ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ЁНДАШУВ

Сабр ва ҳурмат камайган жойда оила устуни нурайди

Жиноятчилик ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш инсон ҳаёти, оила мустаҳкамлиги ва жамият келажагини асрашдек улкан ижтимоий масъулиятдир. Жорий йилнинг ўтган даврига назар ташласак, Навоий вилояти маҳаллаларида айни йўналишларда ютуқлар билан бирга, ечимини кутаётган масалалар ҳам борлиги аён бўлади.



Вилоятда 2026 йилнинг дастлабки тўққиз ойида **4 659 та жиноят** содир этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1 406 тага** ошган. Бу рақамлар ҳар бир маҳаллада профилактик ишларни янада манзилли ташкил этиш, муаммонинг илдизига етиб бориш ва жиноятга олиб келувчи омилларни эрта аниқлаш зарурлигини кўрсатади.

Давоми 2-саҳифада.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Қозоғистонда Марказий Осиё давлатлари етакчиларининг Ақаба жараёни доирасидаги учрашувида иштирок этди.



Тошкент шаҳрининг Яккасарой, Сергели, Бектемир ва Янгиҳаёт туманлари МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ УЧУН киберхавфсизлик мавзусида семинар ташкил этилди.



Ургут туманида “маҳалла еттилиги” аъзолари иштирокида тўй-маросимларни ихчамлаштириш бўйича ЎҚУВ-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ўтказилди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МАҲАЛЛАДОШИМ, ИСРОФДАН БАХТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Ёхуд тўкин тўйлар соясида синган тақдирлардан нега сабоқ чиқармаймиз?

Ҳабибулло ТУРОНОВ,
Термиз шаҳридаги
“Сурхон соҳили” маҳалласи раиси.



Ҳозирда “еттилик” вакиллари учун тўй-маросимларни ихчам ўтказиш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиляпти. Бу ишларни маҳалланинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, аниқ амалий ташаббуслар билан бойитиш зарур. Шу мақсадда бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилганмиз:

• ***“Маҳалланинг ибратли тўйи” лойиҳаси.*** *Дабдабасиз, ихчам ва белгиланган меъёрларда (масалан, 200 кишилик) тўй қилган оилалар ОАВ ёки маҳалла гуруҳларида намуна қилиб кўрсатилади. Бундай келин-куёвларга “маҳалла еттилиги” ва ҳомийлар ички туризм учун (масалан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ёки Хива шаҳарларига) бепул икки кишилик саёҳат йўлланмасини совға қилади;*

• *“**Муқобил харажат” тарғиботи.** Тўйдаги ортиқча дабдаба учун кетадиган пулни ёш келин-куёвнинг номига банкда омонат сифатида қўйиш ёки уй-жой бошлангич бадалига йўналтириш маданиятини шакллантириш ниятидамиз. Бу аҳолига қуруқ насиҳат билан эмас, аниқ ҳисоб-китоблар, рақамлар билан тушунтирилади;*

• ***“Никоҳ шартномаси ва масъулият соати”:** Тўйдан олдин ёшларни фақат тиббий кўрикка эмас, балки “маҳалла еттилиги” иштирокидаги “Оилавий масъулият” суҳбатидан ўтказиш зарур. Бунда уларга оилавий бюджетни бошқариш, уй-жой масаласи ва ажралишнинг ҳуқуқий ҳамда моддий оқибатлари (алимент, мулк бўлиниши) олдиндан очиқ-ойдин тушунтирилади. Никоҳ шартномасини тузишга даъват қилинади.*

• ***“Қудалар кенгаши” институти.** Маҳалладаги обрўли, ҳаётий тажрибага эга кексалар ва отинойилардан иборат кичик ишчи гуруҳ тузилади. Улар тўйдан кейинги дастлабки 6 ой давомида янги келин-куёв ва уларнинг ота-оналари билан мунтазам алоқада бўлиб, майда келишмовчиликларни “иссиги”да бартараф этади. Шунингдек, ажрашиш учун ариза берган оилалар билан ишлашда психологлар маҳалланинг ўзига жалб қилинади.*

Оиланинг маънавий соғломлиги унинг моддий барқарорлиги ва фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ. Аслида, маҳалладаги катта ўзгаришларни кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Кеча иш излаб юрган инсоннинг бугун ўз меҳнати билан оиласини боқаётгани, бир вақтлар кўмакка муҳтож бўлган хонадоннинг энди тадбиркорликни бошлаётганига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Бундай ўзгаришлар баландпарвоз гаплардан кўра кўпроқ нарсани англатади.

Ишсизликни қуруқ рақамлар билан ифодалаш мумкин, аммо ишсиз қолган оиланинг ички ташвиши ва оғриғини рақамларга сиғдириб бўлмайди. Шу боис йил бошида рўйхатда турган 94 нафар ишсиз фуқаронинг асосий қисмини барқарор даромадли соҳаларга йўналтирдик, ҳозирда рўйхатда атиги 2-3 киши қолди. Худди шундай, маҳалламиздаги 26 та камбағал оиланинг барчаси индивидуал ёндашув *(кимгадир иш, кимгадир тадбиркорлик йўли)* орқали бу тоифадан чиқарилди.

Албатта, шундай масалалар ҳам борки, улар маҳалла даражасида ҳал бўлмайди. Бундай пайтда муаммони юқори ташкилотларга тўғри олиб чиқиш ва ижросини қатъий назорат қилиш талаб этилади. Шу мақсадда шаҳар ҳокимига маҳалламиздаги энг оғриқли учта масала юзасидан мурожаат қилган эдик. Натижада ҳудуддаги газ тармоқларини янгилаш, маҳаллага йўналишли жамоат транспорти ҳаракатини йўлга қўйиш ва электр энергияси таъминотини яхшилаш борасидаги лойиҳаларнинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Ҳамма муаммони бир кунда ҳал қилиб бўлмас, балки бунинг иложи ҳам йўқдир. Аммо ҳеч бир инсоннинг дардига бефарқ қарамаслик, ҳар бир хонадоннинг чироғи ёниқ бўлиши, маҳалламиз чинакам бахт қўргонига айланиши учун курашиш ўз қўлимизда. Биз ана шу улуғ мақсад йўлида жамоамиз билан елкадош бўлиб меҳнат қилишда давом этамиз.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МУҲАРРИР МИНБАРИ

ЖИНОЯТНИНГ ИЗИНИ ЭМАС, ИЛДИЗИНИ ИЗЛАШ ФУРСАТИ ЕТГАН

Давлатимиз раҳбари хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган проактив профилактика моделига ўтишни таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Бу ёндашувнинг моҳияти шундаки, масъуллар воқеа содир бўлишини кутиб ўтирмаслиги, маҳалладаги ижтимоий вазиятни доимий ўрганиб, хавф омилларига эрта муносабат билдириши зарур.

*Бунинг учун ҳар бир маҳаллада **ижтимоий ва криминоген хавф омилларининг алоҳида харитаси** бўлиши керак. Унда илгари судланган ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан бирга, мунтазам оилавий низолар кузатилаётган хонадонлар, назоратсиз қолаётган вояга етмаганлар, ишсиз ва даромад манбаига эга бўлмаган ёшлар, гиёҳвандликка мойиллик хавфи мавжуд муҳитлар ҳам тегишли тартибда ўрганилиши лозим.*

Бироқ харита тузишнинг ўзи натижа бермайди. Масалан, унда муаммоли оила қайд этилган бўлса, кейинги савол аниқ бўлиши керак: ким бу оила билан ишлаяпти, қандай ёрдам кўрсатилди, зўравонлик хавфи камайдими, фарзандларнинг ҳолати қандай? Ёки ишсиз ёш рўйхатга олинган бўлса, унга фақат бандлик таклиф қилингани эмас, ишга жойлашгани ва даромад топа бошлагани ҳам назорат қилиниши шарт.

Акс ҳолда, муаммолар харитаси ҳам яна бир ҳисобот ҳужжатига айланиб қолади. Маҳалладаги ҳар бир хавф омиллари бўйича **аниқ масъул, амалий чора, бажариш муддати ва натижани баҳолаш мезони** белгиланиши керак. Профилактиканинг моҳияти ҳам инсонни қийин вазиятдан чиқаришдадир.

Бу ўринда яна бир муҳим масала — профилактика учун масъул идоралар ўртасидаги ҳамкорликдир. Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан 14 та давлат идораси шуғулланаётган бўлса-да, айрим ҳолларда уларнинг вазифалари такрорланади, ваколатлари аниқ чегараланмаган. Тақдимотда профилактика субъектлари доирасини яна 7 тага кенгайтириш, жумладан, **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасини** ҳам ушбу жараёнга жалб этиш таклиф қилинди.

Уюшманинг бу тизимдаги иштироки, аввало, маҳалладаги ижтимоий профилактика ишларини ташкил этиш ва ҳамкорликни мувофиқлаштиришда намоён бўлиши керак. Чунки маҳалла раиси ва “маҳалла еттилиги” аъзолари ҳудуддаги оилалар, ёшлар, ишсизлар, низоли хонадонлар ва аҳолини ташвишга солаётган муаммолар ҳақида энг яқин маълумотга эга.

Аммо бир ҳақиқатни унутмаслик лозим: **ҳамкорлик дегани масъулиятни бир-бирига юклаш дегани эмас.** Аксинча, ҳар бир идора ўз вазифасини аниқ билиши, муаммо ҳал этилмаган тақдирда ким жавоб бериши ҳам олдиндан белгилаб қўйилиши зарур. Масалан, оилавий зўравонлик ҳолати аниқланганда, унинг олдини олиш ва жабрланувчини ҳимоя қилишда профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий хизматлар ва бошқа масъулларнинг вазифалари бир-бирини тўлдириши, аммо такрорламаслиги керак.

Бу — жиддий муаммо. Чунки статистика содир бўлган воқеани кўрсатади, аммо унинг ортидаги сабабларни ҳар доим ҳам очиб бермайди. Масалан, бир маҳаллада жиноятлар сони камайган бўлиши мумкин. Лекин аҳоли ўртасида ўтказилган сўровларда хотин-қизлар ўзини хавфсиз ҳис қилмаётгани, қўшнилар ўртасидаги таҳдидлар яширин қолаётгани ёки кибержиноятчиликдан жабрланганлар мурожаат қилишга қийналаётгани аниқланса, бу ҳудудда профилактика ишлари ҳали етарли эмаслигини англатади.

Тақдимотда ҳозирги криминоген вазиятни **баҳолаш усуллари, асосан, статистик маълумотларга таянаётгани, жиноятчиликка таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар етарлича таҳлил қилинмаётгани, мавжуд ахборот тизимлари ўзаро тўлиқ интеграциялашмагани** қайд этилди.

Дарҳақиқат, криминоген вазияти энг оғир бўлган маҳаллаларнинг аксарияти бу тоифадан чиқарилганига фақат жиноятчилик статистикаси нуқтаи назаридан қараш тўғри бўлмайди. Чунки айрим ҳолларда оилавий зўравонлик ҳақида мурожаат қилмаслик, қўшнилар ўртасидаги таҳдид ва низоларнинг яширин қолиши, кибержиноятчиликдан жабрланганларнинг ҳуқуқий ёрдам сўрамаслиги ҳам мавжуд вазиятнинг тўлиқ акс этмаслигига сабаб бўлади.

Шу боис “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг янги лойиҳасида **криминоген вазиятни баҳолашнинг янги модели** жорий этилади. Унга кўра, илк бор аҳолининг хавфсизлик ҳисси ва яширин жиноятчилик кўрсаткичларини ҳам инобатга оладиган **“криминоген барқарорлик индекси”** шакллантирилади.

*Шу ўринда, ушбу индексни **маҳалла кесимида ҳам қўллаш ва унинг натижаларини аҳоли фикри билан таққослаш** зарур. Бунда фуқаролар ўртасида мунтазам, холис ва махфий сўровлар ўтказиш, мурожаатлар мазмунини таҳлил қилиш, такрорий ҳуқуқбузарликлар, оилавий низолар ва жабрланувчиларга кўрсатилган ёрдам натижаларини ҳисобга олиш лозим.*

Яна бир жиҳат: маҳалланинг “яшил” тоифага кириши масъулларни хотиржамликка бермаслиги керак. Аксинча, бу ҳудудда эришилган барқарорликни сақлаш ва янги хавфларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик вазифаси юзага келади. Шунинг учун маҳалла фаолиятини баҳолашда аҳоли ишончининг ортиши, яширин муаммоларнинг аниқланиши, такрорий ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши ҳам мезон бўлиши шарт.

Янги қонун лойиҳасида **ягона криминоген маълумотлар платформасини ишга тушириш, сунъий интеллект ёрдамида хавфларни таҳлил қилиш, криминоген хариталарни шакллантириш** таклиф этилмоқда. Бу имкониятлардан тўғри фойдаланилса, профилактика ишларининг тезкорлиги ва аниқлигини ошириш мумкин.

Лекин технологиянинг ўзи муаммони ҳал қилмайди. Сунъий интеллект таҳлил қилиши учун, аввало, унга ишончли маълумотлар керак. Агар маҳалладаги оилавий низо ўз вақтида қайд этилмаса, ишсиз ёшнинг ҳолати ўрганилмаса, тазйиққа учраган фуқарога кўрсатилган ёрдам натижаси тизимга киритилмаса, рақамли платформа ҳам вазиятни тўлиқ акс эттира олмайди.

Шунинг учун ягона платформада фақат муаммо ва хавфлар эмас, улар бўйича кўрилган чоралар ҳам акс этиши керак. **Ким масъул бўлди, қандай ёрдам кўрсатилди, муаммо бартараф этилдими, такрорий хавф сақланиб қолдими** — барча жараённи кузатиш имкони бўлиши зарур. Айни пайтда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, улардан фақат қонуний мақсадларда фойдаланиш ва инсонни алгоритм хулосаси асосида асоссиз равишда хавф гуруҳига киритмаслик кафолатлари ҳам таъминланиши лозим.

Яна бир гап: ҳар бир маҳаллада йил давомида камида бир марта жамоатчилик иштирокида хавфсизлик муҳити муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ. Унда аҳоли қайси жойда ўзини хавфсиз ҳис қилмаслиги, қандай муаммолар ечилмай қолаётгани, қайси профилактика чоралари самара бергани очиқ муҳокама қилиниши керак. Бу орқали аҳоли профилактиканинг бевосита иштирокчисига айланади.

Зеро, хавфсиз маҳалла фақат камералар, “домофон”лар ва “ташвиш тугмалари” билан барпо этилмайди. Бу воситалар зарур, албатта. Лекин улар инсонлар ўртасидаги ишонч, ўзаро ҳурмат, оилавий барқарорлик ва ижтимоий масъулиятнинг ўрнини боса олмайди.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири ҳам айнан шу ҳақиқатга таяниши керак. Маҳалла фақат жиноят содир этилганидан кейин ҳаракатга келадиган тузилма бўлиб қолмаслиги, аксинча инсон ҳаётидаги муаммони энг аввал сезадиган, унинг сабабларини аниқлайдиган ва бартараф этишга кўмаклашадиган ижтимоий таянчга айланиши зарур.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
“Mahalla” газетаси бош муҳаррири.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МАҲАЛЛА: ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ЁНДАШУВ

Сабр ва ҳурмат камайган жойда оила устуни нурайди

Шаҳзод САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Навоий вилояти бошқармаси бош мутахассиси.



Айни пайтда маҳаллаларда олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар 977 тадан 918 тага, фирибгарлик 212 тадан 129 тага, қасддан баданга оғир шикаст етказиш ҳолатлари эса 30 тадан 15 тага камайгани профилактик чора-тадбирларнинг самарали бўлаётганини ҳам кўрсатади. Бироқ ижобий натижалар мавжуд муаммоларни эътибордан четда қолдиришга асос бўла олмайди. Айниқса, ўғирлик, гиёҳвандлик, безорилик ҳолатларининг кўпайгани жиддий таҳлил ва аниқ чораларни талаб этади.

Вилоятдаги **138 та “яшил”, 148 та “сариқ” ва 24 та “қизил”** тоифадаги маҳаллалар ҳолати профилактик ишларни бир хил қолипда эмас, балки ҳар бир ҳудуднинг ҳақиқий вазиятидан келиб чиқиб ташкил этиш зарурлигини кўрсатади. Чунки бир ҳудудда ишсизлик масаласи устувор бўлса, бошқасида оилавий низо, ҳуқуқий саводхонликнинг пастлиги ёки интернет фирибгарлиги хавфи долзарб бўлиши мумкин.

Жамият осойишталигининг энг муҳим таянчларидан бири — мустаҳкам оила. Шу боис оилавий ажрашишларнинг олдини олиш масаласига инсонлар тақдири ва келажак авлод манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. 2026 йилнинг дастлабки саккиз ойида вилоятда **926 та оилавий ажралиш** ҳолати қайд этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **4 тага** ошган.

Айрим ҳудудларда ижобий ўзгаришлар кузатилгани эътиборга молик. Мисол учун, Навоий шаҳрида ажралишлар 38 тага, Кармана туманида 14 тага камайган. Бироқ Қизилтепа туманида оилавий ажрашишлар 98 тадан 147 тага, Зарафшон шаҳрида 67 тадан 77 тага, Навбаҳор туманида эса 56 тадан 59 тага кўпайган. Бу тафовутлар самарали тажрибаларни аниқлаш ва муаммо кузатилаётган жойларда ишни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Ажралишларнинг сабаблари таҳлил қилинганда, асосий омиллар сифатида ўзаро келишмовчилик, учинчи шахс аралашуви, фарзандсизлик, узоқ муддат алоҳида яшаш ёки миграция, хиёнат, спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддалар истеъмоли, оилавий ҳаётга тайёргарликнинг етарли эмаслиги, тазйиқ ва зўравонлик кўрсатилган. Бу рақамлар оилавий муносабатлар бир кунда бузилмаслигини, кўпинча муаммолар вақтида эшитилмаган гап, ечилмаган келишмовчилик, иқтисодий қийинчилик туфайли чуқурлашганини англатади.

Аслида, юқоридаги ҳолатларга ечим ҳам маҳалланинг ўзида. Энг аввало, ҳар бир ҳолатни алоҳида ўрганиш, оила аъзоларининг фикрини холис эшитиш ва муаммонинг асл сабабларини аниқлаш муҳим. Ёш оилаларга турмушга тайёргарлик, мулоқот маданияти ва оилавий бюджетни бошқариш бўйича кўмак зарур, узоқ йиллар бирга яшаган оилаларда тўпланиб қолган келишмовчиликлар, муносабатлардаги совуқлик, ташқи аралашув ёки бошқа ижтимоий омилларни барвақт аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ана шу вазифаларни амалга оширишда **“Андижон тажрибаси”ни** жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ёндашувнинг моҳияти муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ўрганиш, масъул ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда ҳар бир муаммоли ҳолат бўйича аниқ чораларни белгилашдан иборат. Вилоят, туман ва шаҳар даражасида **“Жамоатчилик овози” гуруҳларини** шакллантириш, барча маҳаллаларда профилактика ишлари учун **ягона режа-жадваллар** асосида ҳаракат қилиш зарур.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА

ОДАМЛАР КУТГАН ЎЗГАРИШНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД БЎЛАДИ

Шоҳиджон САЪДИЕВ,
Сўх туманидаги
“Себзор” маҳалласи раиси.

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури доирасида ҳудудга 5 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Юқори даромадли экинларни жорий этиш, интенсив боғлар ташкил қилиш, чорва зотини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар белгиланган. Уларнинг амалга оширилиши натижасида 69 нафар аҳоли иш билан таъминланади, ишсизлик даражаси 6 фоизгача қисқаради, 60 нафар фуқаронинг даромади ошиб, 14 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилади.

Инфратузилмани яхшилашда ҳам шундай аниқ мақсадлар кўзланган. Хусусан, 3 километр ички йўлни асфальт қилиш учун 1 миллиард 650 миллион сўм маблағ режалаштирилган. Дастур доирасида яна 1,5 километр марказий кўча ва 2 километр ички йўлни асфальтлаштириш ҳам назарда тутилган.

Очиғи, “Себзор” аҳли бугунги ўзгаришларни анчадан бери кутаётган эди. Айниқса, ички йўллар, ичимлик сув ва электр таъминоти масалалари одамларни кўп йиллардан буён ўйлантириб келарди. Маҳалламиз аҳолисининг асосий даромади боғдорчиликдан. Шунга кўра, бу соҳалардаги муаммолар одамларнинг кундалик меҳнатига ҳам таъсир қиларди.



Ҳозирги ишлар бошлангач, аҳолининг фаоллиги янада ошди. Одамлар ўз кўчаси, ҳудуди обод бўлишига бефарқ қарамаяпти, ишларнинг боришини кузатяпти, ўз фикр ва таклифларини билдиряпти.



БУХОРО ШАҲРИДАГИ АМИР ТЕМИР НОМИДАГИ МАҲАЛЛАДА немис тили маркази ташкил этилиб, техник кадрлар тайёрлаш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.



“ЁШ КИТОБХОН ОИЛА” танловининг жорий йилги туман (шаҳар) босқичлари барча ҳудудларда бошланди.



УЧҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИОБОД” МАҲАЛЛАСИ ёшлари ўртасида миллийликни тарғиб қилувчи креатив чорлов-видеороликлар танлови эълон қилинди.

Mahalla

№90

2026 ЙИЛ
7 НОЯБРЬ,
ШАНБА

Ўйлаб қарасам, баъзан инсонни тўғри йўлга қайтариш учун уни койиш эмас, қўлидан тутиш ҳам керак экан

ТАШАББУС

“Жиддийкапа” гуллари Гиннеснинг рекордлар китобида

Наманганни бежизга “Гуллар шаҳри” деб аташмайди. Бу ерда гўзаллик фақатгина кўчалар ва хиёбонларда эмас, балки оддий одамларнинг хонадонларида, томорқаларида яралади. Уйчи туманининг “Жийдакапа” маҳалласи ҳудудида яшовчи Акбаржон Йўлдошалиевлар оиласининг хонадонига қадам қўйсангиз, ўзингизни худди эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Бу ерда кўз қамаштирувчи, минг бир рангда товланувчи ранг-баранг бахмалгуллар гуркираб яшнамоқда.

Умида ҚЎШОҚОВА, журналист.

Оила чорак асрдан буён гулчилик сир-асрорларини маҳкам тутиб келади. Бу ҳунар уларга отамерос. Томорқаларидаги иссиқхоналарда 10-15 минг тупдан ортиқ гул кўчатларини парваришлаб, нафақат ички бозорга, балки қўшни вилоятларга ҳам савдога чиқармоқда.

— *Гул нозик хилқат, у худди ёш боладек доимий меҳр ва эътибор талаб қилади, — дейди оила бошлиги Зафаржон Йигиталиев.* — *Меҳнати машаққатли, кундузи ҳам, кечаси ҳам ҳароратни, намликни назорат қилиш керак. Аммо машаққат ортида албатта, роҳат бор. Мана шу меҳнат орқасидан йилига 100 миллион сўмгача соф даромад оляпмиз. Оиламизнинг фаровонлиги, рўзғоримизнинг баракаси мана шу гуллардан.*

Бугун ҳудудда “маҳаллабай” тизим асосида кооперациялар йўлга қўйилган.

“Жийдакапа”лик гулчиларнинг меҳнати бу йил бутун дунёга бўй кўрсатди. Жорий йил баҳорда Наманганда 50 кун давомида ўтказилган 65-Халқаро Гуллар фестивали доирасида вилоятда 150 миллион туп гул экилиб, расман Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Бу тарихий натижада уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Фестивалга келган миллионлаб хорижлик сайёҳлар маҳаллий гулчиларнинг маҳоратига лол қолди.



ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Маҳалламиз катта, ёшларимиз ҳам кўп. Бугун бу ерда 1 828 нафар йигит-қиз истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти меҳнат билан банд: кимдир юк машинасини бошқаради, кимдир устачилик қилиб, хонадонларни таъмирлайди. Бу ҳам бир касб, ҳалол ризқ топишнинг ўзига хос йўли.



Қизиқиши бор одамнинг ортидан қувиш шарт эмас

Ботир ДОНАБОЕВ,
Жиззах шаҳридаги “Қалия” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Шу билан бирга, мактаб битирувчилари, техникум ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларимиз ҳам бор. Уларнинг орасида 76 нафар ишсиз ёш аниқланган. Ҳозирда юқори ташкилотларнинг 24 нафар раҳбарига улар бириктирилиб, бандлигини таъминлаш бўйича манзилли ишлар олиб бориляпти. Йигит-қизларимиз қандолатчилик цехлари, автомобиль ишлаб чиқариш заводлари ҳамда бошқа корхоналарга ишга жойлаштирилмоқда.



Маҳалламиз ёшларининг таълимга интилиши, айниқса, эътиборга молик. Олий таълимда таҳсил олаётганларнинг кўплиги мақтовга лойиқ. Аммо билим олиш истаги ҳамиша ҳам моддий имконият билан бирга келавермайди. Шунинг учун шартнома тўловларини қоплаш, таълим олишига кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз. Йил бошидан буён “Ёшлар дафтари” орқали 11 нафар ёшга ёрдам кўрсатилди. Шундан беш нафарининг ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ тўловлари тўлиқ қопланган бўлса, бир нафарининг ўқув курси харажатлари тўланди, қолган ёшларимизнинг таълим шартномаси бўйича муаммоларини ҳал этишга кўмаклашилмоқда.

Бир вақтлар ўзим ҳам худди улар каби маҳалламиз ёшлар етакчисининг кўмаги билан шартнома тўловимни амалга ошириш имконига эга бўлганман. Ўша ёрдам менга нафақат моддий енгиллик, балки катта ишонч берган. “Демак, менинг ҳам ўқишим, келажагим учун қайғурадиган инсонлар бор”, деган туйғу қалбимда шу соҳага қизиқиш уйғотган. Бугун Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олаётганимда ўша кунларни кўп эслайман. Балки шунинг учун ҳам бирор ёшнинг ёрдам сўраб келганида унинг ўрнига ўзимни қўйиб кўраман. Чунки баъзан бир инсоннинг берган имконияти бошқа бир инсоннинг бутун ҳаёт йўлини белгилаб бериши мумкин.

Ёшларимизнинг илмга чанқоқлиги бизни янада кўпроқ изланишга ундайди. Маҳалламизда иккита ўқув маркази фаолият юритмоқда. Уларда 100-150 нафарга яқин ўқувчи таълим олади. Қувонарлиси, икки нафар ўқувчимиз “IELTS” имтиҳонидан 8,5 баллни қўлга киритди. Бу натижа бошқа тенгдошлари учун ҳам катта рағбат. Ўқув курсларида ўқишни истайдиган, аммо оилавий шароити сабаб бунинг уддасидан чиқа олмаётган ёшларга ҳам ёрдам берамиз. Зеро, илмга қизиққан боланинг имконияти маблағ билан чекланиб қолмаслиги керак.

Ёшлар билан ишлашнинг яна бир муҳим йўли — уларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш. Шу боис “Беш ташаббус олимпиадаси”га алоҳида эътибор қаратганмиз. Зеро, ёшларнинг ҳар бири билан бирдек ишлаш осон эмас. Аммо уларни спорт, санъат ва турли мусобақаларга жалб қилсак, уларнинг ўзи интилиб келади. Қизиқиши уйғонган инсонни ортидан қувиб юриш шарт эмас, ўз мақсади сари ўзи ҳаракат қилади. Жиззах шаҳар босқичида ёшларимиз мини-футбол ва футбол бўйича ғолибликни қўлга киритиб, стритбол мусобақасида ҳам жамоавий биринчи ўринни эгаллашди. Энг муҳими, улар жамоа бўлиб ҳаракат қилишни, ғалаба ва масъулиятни баҳам кўришни ўрганмоқда. Уларнинг яширин истеъдоди, имконияти юзага чиқмоқда.

Хорижда юрган ёшларимиз билан ҳам алоқани узмаймиз. АҚШ, Жанубий Корея ва Россияда таҳсил олаётган ёки меҳнат қилаётган маҳалладошларимиз бор. Айниқса, Жанубий Кореядаги нуфузли университетларда ўқиётган ёшларимизнинг ютуқларини кузатиб борамиз. Улар билан мунтазам мулоқот қилиш, ҳолидан хабар олиш биз учун муҳим. Чунки ёшлар қаерда бўлмасин, унинг маҳалласи, ота-онаси ва уни қўллаб-қувватлаган инсонлар борлигини ҳис қилиб яшаши керак.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ўтган йили маҳалламизда юз берган бир воқеа мени анча вақт ўйга толдирди. Ўрта ёшдаги уч нафар маҳалладошимиз ўғрилик содир этган эди. Бу хабарни эшитиб, уларни айблашга, ҳукм чиқаришга шошилмадим.

Нафиса ЮСУПОВА,
Учқўрғон туманидаги
“Янгиобод” маҳалласи раиси.

Адашганни койимадик, қўлидан тутдик, маломат қилмадик, тўғри йўл кўрсатдик





Аввало, бундай нохуш ҳолатнинг сабабларини англашга, уларни бу қадамга қайси омиллар ундаганини билишга ҳаракат қилдим. Вазиятни ўрганганимизда, оиладаги моддий етишмовчилик, рўзғор ташвишлари ва тирикчиликдаги қийинчиликлар бунга сабаб бўлгани маълум бўлди. **Энг ачинарлиси, бу ҳолат мени бир савол қаршисида қолдирди: наҳотки, маҳалламизда ёрдамга муҳтож оилалар бўла туриб, биз уларнинг дардини ўз вақтида сезмаган бўлсак? Наҳотки, бир хонадондаги қийинчилик кўз ўнгимизда турганида, унга бефарқ бўлдик?**

Ростини айтсам, бу воқеа кўнглимга оғир botди. Ўзимни ҳам койидим. Чунки маҳалла раиси учун энг катта масъулият — муаммо жиноятга, ташвиш фожиага ёки оилавий келишмовчилик ажрашишга айланмасидан олдин уни кўра билишдир.

Шу кундан бошлаб, ҳар бир хонадонларнинг турмуш шароити, бандлиги, эҳтиёжини янада синчиклаб ўргана бошладик. Ўша уч фуқародан икки нафари доимий ишга жойлаштирилди. Яна бирига 100 миллион сўм кредит ажратилишига кўмаклашдик. Бугун у чорвачилик билан шуғулланмоқда. Қорамоллари кўпайиб, оиласи учун муносиб даромад манбаини яратди. Энг муҳими, энди улар ўз меҳнати билан рўзғорини тебратяпти. Ўйлаб қарасам, баъзан инсонни тўғри йўлга қайтариш учун уни койиш эмас, қўлидан тутиш ҳам керак экан.

Бу воқеада мени яна бир жиҳат қаттиқ таъсирлантирди. **Маҳалладошларимиз ўша фуқароларга нафрат ёки таъна билан қарамадилар. Уларни элдан ажратмадилар, ортидан маломат қилмадилар.** Аксинча, “Ҳар кимнинг бошига синов тушиши мумкин”, дея қўллаб-қувватлади. Уларнинг бу муносабати биз тутган йўлнинг нақадар тўғри бўлганига берилган энг катта баҳо бўлди.

Албатта, бу воқеа бизга сабоқ бўлди. Профилактика ишларини кучайтирдик, ҳудудларга кузатув камераларини ўрнатдик, тарғибот тадбирларини кўпайтирдик. Нуронийларимиз билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб, фуқаролар билан суҳбатлашдик. Фақат жиноятнинг олдини олиш эмас, ҳар бир оилада ҳушёрлик, ўзаро меҳр ва масъулият туйғусини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдик. Шукрки, бугун маҳалламизда жиноятчилик ва майда ҳуқуқбузарликлар кузатилмаяпти. Оилавий ажралишларнинг олдини олиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш борасида ҳам муайян натижаларга эришдик.

Маҳалламизнинг бугунги қиёфаси ҳам одамларимизнинг ҳамжиҳатлиги билан ўзгариб бормоқда. Ҳашарлар орқали кўчалар обод қилинди, иккита қабристон тозаланди. Саховатпеша инсонларимиз кўмагида бошпанасиз, эҳтиёжманд икки оилага уй қуриб берилди. Бу ишларнинг барчасида халқимизнинг меҳнати ва меҳрини кўраман. Стадионлар, болалар майдончалари барпо этилди. Жорий йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали 3 139 метр йўлни таъмирлаш имконини қўлга киритдик. Бунинг учун 1 миллиард 647 миллион сўм маблағ ажратилди.

Энди қиладиган ишларимиз кўп. Маҳалла марказида катта кутубхона очиб, ёшларимиз учун илм олиш ва китоб мутолааси имкониятларини кенгайтирмоқчимиз. Бўш турган биноларда касб-ҳунар ўргатиш курсларини ташкил этиш ниятимиз бор. Нуронийларимиз учун алоҳида маслаҳатхона ҳам очмоқчимиз. Негаки, оилавий келишмовчиликлар, кичик низолар баъзан катта муаммога айланиб кетади. Бундай пайтда ҳаёт кўрган, оқ-қорани таниган кексаларимизнинг бир оғиз насиҳати кўп нарсани ҳал қилиши мумкин.

БИЛГАНИНГИЗ ФОЙДА

Бола парвариши таътилидан оталар фойдаланадими?

Тасаввур қилинг, оилада фарзанд дунёга келди. Аёлингизнинг хизмат мавқеида муҳим давр бошланмоқда. Шу сабабли кичкинтойни ўзингиз парвариш қилмоқчи бўлдингиз. Хўш, ишини вақтинча тўхтатиб, уйда бола билан қола оласизми?

Албатта! Меҳнат кодексига кўра, бола парвариши таътилидан нафақат оналар, балки оталар ҳам тўлақонли фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Бу жараёнда ота боласи 2 ёшга тўлгунига қадар бола парвариши таътилини олиши ва шу давр учун бериладиган нафақадан фойдаланиши мумкин.


Бола 3 ёшга тўлгунига қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил муддатини узайтириш ҳуқуқи мавжуд. Бу ҳуқуқдан она ва отадан ташқари бобо, буви ёки васий ҳам фойдаланиши мумкин.

Таътил даврида ота масофадан (онлайн) ёки қисқартирилган иш вақтида ишлашда давом этса бўлади. Бунда нафақа, қолаверса, ходимнинг иш жойи (лавозими) қатъий сақланади — уни ишдан бўшатишга қонун йўл қўймайди.

Ушбу таътил даврининг 6 йилгача бўлган қисми умумий меҳнат стажига қўшилади.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИНИ ЯРАТГАН ТАДБИРКОРЛАР ТАЛАЙГИНА



“Маҳаллабай” ишлаш тизимининг бош мақсади — аҳолига барқарор даромад манбаини яратишдир. Ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлаган илк кунимданоқ, ҳар бир қарич ери ва ҳар бир фуқаронинг салоҳиятини юзага чиқаришни устувор вазифа, деб билдим.

Фазлиддин ҚЎЧҚОРОВ,
Мирзаобод туманидаги
“Деҳқонобод” маҳалласи ҳоким
ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

Бугун ана шу меҳнатларимиз самарасини кўряпмиз. Одамлар маҳаллага ёрдам сўраб эмас, ёрдам берай, деб келяпти. Оллоназар Алимов шундай ташаббускорлардан. Унинг муваффақият тарихи бевосита “еттилик” иштироки билан боғланиб кетади.

34 ёшли йигит турмуш ўртоғи Гўзалхон Алимова билан биргаликда асаларичиликни оилавий бизнесга айлантирган. Соҳа сирларини 6 йил давомида устози Элдор Муҳаммедшиндан ўрганган. Ўшанда бор-йўғи 2 қути асалари билан фаолият бошлаган бўлса, 2019 йилда 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига асалари қутилари сони 900 тага етказилди.

Бугун оила ҳар мавсумда 6 тонна тоза асал етиштиради. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида Гўзалхон Алимова ҳам 25 миллион сўмлик ваучерни қўлга киритди.

Қувонарлиси, яқинда Оллоназар кам таъминланган оилаларга ва ногиронлиги бўлган инсонларга асаларичилик сирларини бепул ўргатмоқчиман, деган эзгу таклиф билан чиқди. Таклифини қўллаб-қувватладик. Ҳозир 40 нафардан ортиқ шогирд бор. Ташаббус ногиронлиги бор инсонларга уйдан чиқмай доимий даромад топиш имконини берди. Қолаверса, асаларилар ўсимликларни чанглатиб, мевали дарахтлар ҳосилдорлигини 25-30 фоизга оширмоқда. Оиланинг навбатдаги мақсади — 1 700 та қути асаларини хорижга экспорт қилиш.



Бошқа соҳаларда ҳам ишларимиз қизғин кетяпти. Маҳалладаги барча хонадонлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларнинг иқтисодий аҳволи асосида аниқ режалар белгилаб олинган. Йил бошидан буён тизимли чора-тадбирлар эвазига ишсиз фуқароларимиз бўш иш ўринларига жойлаштирилди ва ўзини ўзи банд қилиш орқали расмий даромад манбаига эга бўлди.

Ишсиз хотин-қизлар ва ёшлар “Мономарказ”, маҳалладаги “Устоз-шогирд” анъанаси асосида тикувчилик, пазандалик, компьютер саводхонлиги ва пайвандлаш йўналишларида бепул ўқитилди.

Тадбиркорлик қилмоқчи бўлган фуқаро чинакам кўмакни ҳис қилиши керак. Шу боис оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида маҳалладошларимизнинг иссиқхона, чорвачилик, паррандачилик лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар ажратилишига тавсияномалар бердик.

Кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга ўз хонадонида меҳнат қилиши учун бепул тикув машиналари, пайвандлаш ускуналари ва томорқа учун мотокультиваторлар субсидия асосида тарқатилди.

Маҳалла аҳли томорқадан барака ундиришни яхши билади. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида хонадонларда иссиқхоналар ташкил этилган. Баҳорги ва кузги мавсумда тўқсонбости экинлари, кўкатлар ва лимон етиштириш йўлга қўйилди. Бу орқали ҳар бир хонадон нафақат ўз эҳтиёжини қопламоқда, балки бозорга маҳсулот чиқариб, оиласига қўшимча даромад олиб кирмоқда.

Иқтисодий ўсиш билан бирга, маҳалланинг қиёфаси ҳам ўзгармоқда. Маҳаллий тадбиркорларимиз ва ҳокимлик кўмагида ички йўлларни шағаллаштириш ва асфальтлаш, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ҳамда тоза ичимлик сув тармоқларини кенгайтириш ишларини изчил давом эттиряпмиз.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



1 ноябрдан айрим реабилитация воситаларини харид қилиш учун маблағлар эҳтиёжманд фуқароларнинг “БАРАКА” ИЖТИМОИЙ КАРТАСИГА ўтказилади.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида эҳтиёжманд шахсларни КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ ВА ХОРИЖДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ масалалари муҳокама қилинди.




Янгиланган тартибга кўра, ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ 23 тадан 46 тага етказилди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Имкон бўлса — интилиш, ишонч бўлса — юксалиш бўлади





Баъзан оддийдек туюлган масала кимдир учун йиллар давомида ечимини кутаётган оғриқ бўлиши мумкин. Шунинг учун фаолиятимизда аҳоли дардини ўз вақтида эшитиш, муаммонинг сабабини ўрганиш ва амалий ечим топишни биринчи ўринга қўямиз. Маҳалла имконияти билан ҳал этиш қийин бўлган масалаларни эса ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

Мавлуда САРИБОЕВА,
Андижон шаҳридаги
“Майдонбозор” маҳалласи раиси.

Ободонлаштириш ишларини ҳам аҳоли билан маслаҳатлашган ҳолда ташкил этамиз. Чунки ҳудуд қиёфасини ўзгартиришда фуқароларнинг иштироки ва ташаббуси муҳим. Айниқса, кам таъминланган, оғир шароитда яшаётган оилаларнинг уй-жойини таъмирлаш, хонадонларини оқлаш ишларида ўз маблағимиз ва имкониятларимиз билан кўмаклашдик. Бундай ёрдамлар орқали нафақат яшаш шароитини яхшилаш, балки одамларда эртанги кунга ишонч уйғотишни мақсад қилганмиз.

Ҳозирги кунда миграция масаласи эътиборимиз марказида. Хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар билан алоқани узмаслик, уларнинг шароитини ўрганиш, юртимизга қайтганларини иш билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири. Маҳалламизда 253 нафар фуқаро меҳнат миграциясида бўлган бўлса, уларнинг 84 нафари қайтиб келди. Куни кеча саккиз нафарининг оиласига бориб, вазиятни ўргандик, келгусидаги бандлиги бўйича зарур тавсиялар бердик.

Хорижга ишлаш учун кетаётганларга эса, аввало, касб-ҳунар ва тил ўрганиш, кейин расмий меҳнат шартномаси асосида ишга жойлашишни тавсия қиляпмиз. Бу орқали уларнинг нафақат меҳнат ҳуқуқлари, балки ҳаёти ва хавфсизлигини ҳам ҳимоя қилиш мумкин.

Маҳалламизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда ҳунармандчилик ва чорвачиликни асосий йўналиш сифатида белгилаганмиз. Бу бежиз эмас. Ҳудудимизда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳунарлар, ишлаб чиқариш тажрибаси ва тадбиркорликка қизиқиш бор. Аёллар дўппидўзлик билан, эркаклар эса мебелсозлик билан шуғулланади.

Мужассамхон Сотволдиева ана шундай ҳунармандларимиздан. У момоларидан мерос бўлиб қолган дўппидўзликни давом эттириб, уйида кичик устахона ташкил қилган. Беш-олти нафар шогирди бор. Бахмал ва Чуст дўппиларини маҳорат билан тикади. Унинг ишларидаги энг муҳим жиҳат — чокларнинг текислиги, ҳар бир маҳсулотга алоҳида эътибор билан ёндашишида. Буюртмачилари кўп, маҳсулотлари юртимизнинг турли ҳудудларига етказиб берилмоқда.

Мужассамхон опа ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун 100 миллион сўм кредит олиш истагини билдирган. Ҳозирда бу борада унга амалий ёрдам кўрсатяпмиз. Чунки бир ҳунармандниг фаолияти кенгайиши ортидан яна бир неча кишининг бандлиги таъминланиши мумкин.

Фаолиятимиздаги энг нозик ва масъулиятли йўналишлардан яна бири оилаларни қўллаб-қувватлаш, ажрашишларнинг олдини олишдан иборат. Бу борада муаммолар илк бор сезилган пайтдан бошлаб иш олиб бориш зарур. Айниқса, ёш оилаларда ўзаро ҳурмат, ишонч ва масъулиятни мустаҳкамлаш, уларга ҳаётий сабоқ ва тўғри маслаҳат бериш муҳим.

Афсуски, баъзи хонадонларда йиллар давомида тўпланган келишмовчиликлар, хиёнат, ичкиликбозлик ва ўзаро ишончнинг йўқолиши жиддий оқибатларга олиб келмоқда. Бундай вазиятларда энг кўп жабрни фарзандлар кўради. Шунинг учун келгусида нуронийлар, тажрибали оила вакиллари, психологлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришни мақсад қилганмиз. Ёшларга оиланинг қадри, фарзанд тарбияси ва эр-хотиннинг бир-бири олдидаги масъулиятини чуқурроқ англатишимиз керак.

Албатта, маҳалла ходимлари зиммасидаги вазифалар йил сайин кенгайиб, масъулият ортиб бормоқда. Шу боис маҳаллада ташкилий ва ҳужжат ишларини юритадиган котиба лавозими бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Бу ходимларнинг бевосита аҳоли билан ишлашга кўпроқ вақт ажратишига имкон беради.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“Одамларни тушуниш учун уларнинг ўрнида яшаб кўриш шарт эмас, баъзан чин дилдан тинглашнинг ўзи кифоя”. Маҳалла тизимида олти йилдан буён фаолият юритиб, кўплаб инсонлар билан мулоқот қилдим, турли тақдирларга гувоҳ бўлдим. Ростини айтсам, бу жараёнда фақат бошқаларга ёрдам беришни эмас, ўзим учун ҳам ҳаётий сабоқлар олишни ўргандим.

НИЗОЛАР НИҲОЯ ТОПМАГУНЧА БИР ЛАҲЗА ЖИМ ТУРМАЙМИЗ



Шаҳноза АШИРҚУЛОВА,
Бекобод туманидаги
“Истиқбол” ва “Ёшлик”
маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.



Ҳар бир оиланинг турмуш тарзи, эр-хотин, қайнона-келин муносабатлари, фарзанд тарбиясига ёндашуви мени янги хулосалар чиқаришга ундарди. Илгари оддийдек туюлган айрим муносабатларнинг оила мустаҳкамлигида қанчалик муҳим ўрин тутишини тушундим. Ўзаро ҳурмат, жуфти ҳалолни қадрлаш, катталарнинг ўрнини билиш ва масъулиятни ҳис қилиш осонлик билан шаклланмаслигини кўрдим.

Фаолиятимизда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Чунки ўз касби, даромад манбаи ва мақсадига эга аёлнинг ўзига бўлган ишончи ҳам ортади. Шу боис “Истиқбол” ва “Ёшлик” маҳаллаларида жами 90 нафар аёлни турли касб-ҳунарларга ўқитишни ташкил этдик. Тикувчилик, ҳисоб-китоб ишлари, болалар массажи каби йўналишларга қизиқиш юқори. Машғулотлар маҳалла биноларида бепул ташкил этилгани хотин-қизларга янада қулайлик яратди. “Истиқбол” маҳалласида эса тикувчилик бўйича дарслар тажрибали чеварнинг уйида ҳам ўтказилмоқда.

Бу борада Азиза Ражаматованинг фаолияти эътиборга лойиқ. У ўн йиллик тажрибага эга чевар. Ҳозиргача уйида 50 нафарга яқин шогирд тайёрлаган. Буюртмалар асосида ишлаб, ўз меҳнати билан даромад топяпти. Энди эса фаолиятини кенгайтириб, тикув цехи очишни режалаштирмоқда. Камида 20 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш нияти бор.

Бироқ аёлларнинг муаммоси фақат ишсизлик ёки даромад билан боғлиқ эмас. Мулоқотларимиз давомида энг кўп учрайдиган масалалардан бири қайнона-келин муносабатлари эканини кўряпмиз. Баъзи оилаларда бир-бирини тушунишга ҳаракат қилмаслик, ортиқча талабчанлик, ёшларнинг мустақил фикрини инобатга олмаслик кичик келишмовчиликни катта низога айлантирмоқда. Айниқса, ёш қайноналар билан ишлаш зарурати сезиляпти. Улар ҳам бир вақтлар келин бўлганини, ёш оилага мослашиш учун вақт ва кўмак кераклигини унутмаслиги лозим.

Шу боис ёш қайноналар билан алоҳида ишлаш, маҳаллаларда ҳафтасига бир марта бўлса-да, оилавий муносабатлар, ўзаро ҳурмат, келин ва қайнонанинг масъулияти ҳақида суҳбатлар ташкил этишни таклиф қилган бўлардим. Бундай учрашувларда фақат насиҳат эмас, ҳаётий мисоллар, психологик тавсиялар ва очиқ мулоқот устувор бўлиши керак.

Оилавий низоларнинг яна бир ташвишли томони — улар баъзан жиноятгача етиб бориши мумкин. Шунинг учун бундай вазиятларга оддий маиший жанжал сифатида қарамаслик зарур. Айни пайтда маҳалламизда ажрашиш ёқасига келиб қолган бир оила бор. Бундай ҳолатларда ҳар икки тарафни тинглаш ва низонинг оғир оқибатларини бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз.

Айниқса, фарзандли оилаларда катталар ўртасидаги келишмовчиликнинг жабрини бегуноҳ болалар кўраётгани ачинарли. Ота-онанинг ўзаро муносабати қандай бўлишидан қатъи назар, гўдакнинг хавфсизлиги ва келажаги ҳимоя қилиниши шарт. Шунинг учун хавфли вазиятларда фақат яраштиришга уриниш билан чекланмасдан, зарур ҳолларда тегишли мутахассислар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишимиз керак.

Аёллар баъзан ўз муаммосини маҳалла раисига ёки бошқа масъулларга айтишга ийманади. Хотин-қизлар фаоли уларнинг яқин сирдошига айланган. Айрим ҳолларда бошқа маҳаллада ишлаётганимизда иккинчи ҳудуддан телефон қилиб зудлик билан келишимиз кераклигини айтишади. Шундай вазиятларда ҳар икки юмушни бажаришга қийналамиз. Қанийди, бизга ҳам фақатгина биттадан маҳалла бириктирилса, вазифамизни янада мароқ билан адо этган бўлардик.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

КАШТА ТИКИБ, ТАҚДИРИНИ БЕЗАЁТГАН АЁЛЛАР

Чимбой туманидаги Бердақ номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Нагима Сметуллаева миллий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб, уларни ёш авлодга ўргатиб келаётган моҳир ҳунармандлардан бири.



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ.

У бир неча йилдан буён қорақалпоқ халқининг қадимий ҳунарларидан бири — каштачилик билан шуғулланади. Миллий нақшлар билан безатилган либослар, турли буюмлар ва ҳунармандчилик намуналарини яратиб келмоқда.

Нагима Сметуллаеванинг асосий касби педагог. У Чимбой туманидаги ихтисослаштирилган мактабда тасвирий ва амалий санъат фанидан дарс беради. Ўқувчиларга санъат сирларини ўргатиш билан бирга, уларнинг миллий ҳунармандчиликка бўлган қизиқишини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Ҳунарманд каштачиликдан ташқари, қуроқ кўрпачалар тикиш, турли эсдалик буюмлари тайёрлаш билан ҳам шуғулланади. Сўнгги йилларда мисдан миллий тақинчоқлар ясашни ҳам ўзлаштириб, фаолият йўналишларини кенгайтирди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида “HAMROH” хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш компанияси ташкил этган тренингда иштирок этиб, тадбиркорлик бўйича билим ва кўникмаларини оширди. Шунингдек, фаолиятини кенгайтириш мақсадида банкдан 100 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Мазкур маблағ янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга йўналтирилмоқда.

Нагима Сметуллаева ўз маҳоратини бошқаларга ҳам ўргатиб келмоқда. Хусусан, маҳалладаги бир нечта ишсиз хотин-қизга каштачилик ва бошқа ҳунармандчилик йўналишлари бўйича сабоқ беряпти.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Ҳар бир инсон қилган меҳнатининг натижасини кўришни хоҳлайди. Айниқса, халқ дарди билан яшайдиган, одамларнинг ташвишини ўзиникидек биладиган маҳалла ходимлари баъзан ғам-қайғуларини ҳам ёддан чиқариб қўяди. Кимнингдир муаммосига ечим топиш илинжида яшаш эса бизга берилган имкониятдир эҳтимол.

ИНСОН ҚАДРИ ЙЎЛИДАГИ ҚАДАМЛАР РАҚАМЛАРГА СИҒМАЙДИ

Дилхумор МАМАЖОНОВА,
Оққўрғон туманидаги “Сувти”
маҳалласи ижтимоий ходим.



Айни вақтда маҳалламизда 71 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Фаолиятим давомида уларнинг 15 нафарининг бандлигини таъминлашга кўмаклашдим. Мен учун бу натижа шунчаки статистик кўрсаткич эмас. Аксинча, ўз меҳнати билан даромад топишга, оиласига наф келтиришга ва жамиятда ўрнини топишга муваффақ бўлган инсонлар тақдири.

Суннатилла Бабановнинг оиласи билан олиб борган ишларимиз ҳали ҳам ёдимда. У биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс. Оиласи Ижтимоий реестрга киритилган бўлиб, бир қатор муаммоларга дуч келган эди. Хонадон ҳолатини ўрганиш жараёнида оиланинг эҳтиёжларини бирма-бир аниқлаб, кейс-менежмент асосида иш бошладик.

Аввало, фуқаронинг мустақил ҳаракатланиши учун электрон бошқарувли ногиронлик аравачаси ажратилишига эришдик. Чунки инсоннинг ҳаракатланиш имконияти кенгайиши унинг нафақат кундалик ҳаётини енгиллаштиради, балки ўзини жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳис қилишига ҳам замин яратади.

Оиланинг яшаш шароитини яхшилаш масаласи ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Хонадонга қуёш панели ўрнатилди, ҳовли деворининг таъмирталаб қисмлари тузатилиб, янги дарвоза қўйилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак харид қилиш учун ваучерлар ажратилди. Шунингдек, Суннатилланинг тиббий кўрикдан ўтиши ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимоя биргина оила аъзосининг муаммосини ҳал қилиш билан тугамаслиги керак. Чунки хонадондаги инсонларнинг эҳтиёжи ва манфаати ўзаро боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, турмуш ўртоғи Дилафруз Аҳназарова “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уй шароитида парваришлаш хизматига бириктирилди. Фарзанди Дунёбегим Ҳолдорова имтиёзли тартибда мактабгача таълим ташкилотига жойлаштирилди. Оила аъзоларига ҳуқуқий ва психологик хизматлар кўрсатилиши ҳам таъминланди.

Бундан ташқари, фуқаронинг ҳаракатланишидаги қийинчиликларни инобатга олиб, ҳомийлар кўмагида хонадонга кириш учун махсус пандус қуриб берилди. Бу ҳам оила учун муҳим қулайлик бўлди. Айни пайтда уларнинг ижтимоий ҳолатини мунтазам кузатиб, кўрсатилган ёрдамларнинг натижадорлигини ўрганиб боряпмиз.

Бундай оилалар билан ишлаш жараёнида бир нарсага амин бўласиз: муаммони ҳал қилиш учун баъзан биргина қарорнинг ўзи кифоя қилмайди. Турли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, мавжуд имкониятларни ишга солиш, ҳомийларни жалб этиш ва энг муҳими, оиланинг ишончини қозониш зарур.

Албатта, маҳалламизда эътибор ва кўмакка муҳтож бошқа оилалар ҳам бор. Уларнинг ҳар бири билан индивидуал ишлаш, имкониятларини баҳолаш, бандлигини таъминлаш, яшаш шароитини яхшилаш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланишига кўмаклашишни муҳим вазифам, деб биламан.

Менимча, ижтимоий ходимнинг энг катта ютуғи қанча оилага ёрдам кўрсатгани билан эмас, балки кўмак олган инсоннинг ҳаётида қандай ўзгариш ясай олгани билан белгиланади. Зеро, биз учун ҳар бир мурожаат — бир инсон тақдири, ҳар бир ҳал этилган муаммо эса яна бир оиланинг эртанги кунга ишонч билан қараши демакдир.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.



ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ “НУРОФШОН” МАҲАЛЛАСИДА низоли оилалар билан профилактик тадбир ўтказилди.



НАМАНГАН ТУМАНИДАГИ “НАВҚИРОН” МАҲАЛЛАСИДА “Раҳбар ва ёшлар учрашуви” ташкил этилди.



МИНГБУЛОҚ ТУМАНИДАГИ “БОЗОРБОШИ” МАҲАЛЛАСИДА ўтказилган сайёр қабулда 17 та мурожаат жойида ҳал этилди, 7 таси ўрганиш учун қабул қилинди.

Mahalla №90 2026 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ, ШАНБА

“Маҳаллам — лойиҳам” дастурида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритганимиз ва 100 миллион сўм грант маблағини ютиб олганимиз катта бурилиш бўлди

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Ишонч, албатта, оқланиши шарт!

Маҳалладаги тинчлик ва хавфсизлик жамият осойишталигининг муҳим гаровидир. Кундалик фаолиятимни ўзимга бириктирилган ҳудудни айланиб, кўчабоши, уйбоши, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашишдан бошлайман. Биргаликда вазиятга баҳо бериб, аниқланган муаммоларга чора излаймиз.



Ойбек ПАРДАЕВ, Миробод туманидаги “Наврўз” маҳалласи профилактика катта инспектори.

Чунки тўрт мингдан ортиқ аҳолиси бўлган маҳаллада 3 та низоли оила, 6 нафар спиртли ичимликларга ружу қўйган, 2 нафар муқаддам судланган, 8 нафар профилактик рўйхатга олинган фуқаролар бор. Ҳудудда истиқомат қилувчиларнинг 30 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Бу ҳозирги маълумот. Ўшанда эса...

Мазкур маҳаллага бириктирилишимнинг ўзига хос сабаби бор. Яъни, криминоген вазият оғир бўлиб, анча йиллардан буён “қизил” тоифа рўйхатидан тушмас эди. Бунгача 2012 йилдан буён айнан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида фаолият юритиб, керакли тажриба тўплаганман. Назаримда, аввал ишлаган жойимда вазиятни барқарорлаштириб, самарали кўрсаткичларга эришаётганим ҳам бу тайинловда инобатга олинди. Раҳбарият ишонч билдирди.

“Наврўз” маҳалласида ўтган йили иш бошлаган бўлсам, шу ишончни оқлашга астойдил киришдим. Ички ишлар вазирлигидан бириктирилган масъул Равшан Рўзиев билан биргаликда, “маҳалла еттилиги”, тегишли ташкилот мутасаддиларининг бошини бириктириб, вазиятни ўрганиб чиқдик. Таҳлил ва муҳокамаларга таяниб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини туздик. Ҳамкорликда олиб борилган кунлик, ҳафталик, ойлик ишлар сарҳисоби, муҳокамасининг қатъий йўлга қўйилгани туфайли йил охирида “сариқ” тоифага ўтилишига эришдик.

Жорий йил бошидан эса барча куч-воситалар ҳудудни “яшил” тоифага ўтказишга сарфланиб келинмоқда. Тарғибот ишларининг тизимли равишда олиб борилиши, “хонадонбай”, якка тартибда ўтказилаётган суҳбатлар, тушунтириш ишларининг мунтазам, таъсирчан усулларини қўллаш ўз ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Хавфсизлик тизимининг самарадорлиги унинг аҳоли ҳаётига қанчалик яқинлиги билан белгиланади. Бирор хавфли вазият юзага келганда, аҳоли вакиллари хабар бериши, патруль-пост хизмати ходимларининг эса узоғи билан беш-етти дақиқа ичида ҳодиса жойига етиб бориши учун зарур шароит яратилган.

Бу — профилактика ишларини тезкор ҳаракат билан уйғунлаштириш имконини бермоқда. Кўп қаватли уйларда хавфсизликни таъминлашнинг технологик имкониятлари ҳам кенгайтирилди. Аҳоли гавжум яшайдиган ҳудуддаги уйлар йўлагига “Face ID” тизими ўрнатилган.

Мазкур тизим бегона шахсларнинг бинога кириши ҳамда ҳудуддаги шубҳали транспорт воситаларини аниқлаш имконини беради. Натижада инсон омилига боғлиқ назоратнинг технологик воситалар билан уйғунлашуви таъминланмоқда.

Маҳалладаги ижтимоий муҳит, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, қўни-қўшнилар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва жамоатчилик назорати ҳам тизимнинг муҳим таркибий қисмидир.

Шу боис аҳоли билан мулоқот қилиш, уларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ва хавфсизлик масалаларида фуқароларнинг бевосита иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фаолиятимда ишонч биринчи ўринда туради. Фуқаро ўз муаммоси ёки хавотирини бемалол айта олгани учун унинг олдини олиш имконияти ҳам ортмоқда. Саъй-ҳаракатимиз натижасида 2 та гиёҳвандлик ва фоҳишахона сақлаш ҳолатлари аниқланиб, фаолиятига чек қўйилгани фикримга исбот бўлади.

Мени хурсанд қиладиган ва янада яхши ишлашга ундайдиган жиҳат — меҳнатимиз қадрланишидир. Бугунгача Ички ишлар вазирлигининг 3-даражали “Бенуқсон хизматлари учун” кўкрак нишони билан тақдирланган эдим.

Жорий йил мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали хизматим, юртимизда жамоат хавфсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссам учун “Шуҳрат” медали билан мукофотландим.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Эришилган натижа — бизни тўхтатиб қўймайди”

Ҳар бир ижобий натижа замирида аниқ мақсад, тинимсиз меҳнат ва халқнинг бирдамлиги ётади. Маҳалламизнинг республика миқёсида энг илғор маҳаллаларнинг “Топ-100” рейтингидан жой олгани биз учун нафақат фахр, балки катта масъулиятдир. Хўш, бу натижага қандай эришдик?

Иброҳим СИДДИҚОВ, Косонсой туманидаги “Гулбоғ” маҳалласи раиси.



Муваффақиятнинг сири — қуруқ ҳисоботларда эмас, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, инфратузилмани янгилаш ва ижтимоий масалаларни аҳил жамоа бўлиб ҳал эта олганимиздадир.

Масалан, маҳалладошларимиз, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун доимий даромад манбаи яратганимиз ортидан бошқа муаммолар ҳам барҳам топди. Имкониятлардан тўғри фойдаланиб, маҳалла биносининг ўзида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона фаолиятини йўлга қўйдик. Бугунги кунда бу ерда 20 нафардан ортиқ аёл доимий иш билан таъминланиб, замонавий кийимлар ишлаб чиқармоқда.

Шунингдек, ҳудудда фаолият юритаётган “АО Текс” масъулияти чекланган жамияти билан яқин ҳамкорлик ўрнатдик. Корхонада яратилган 48 та иш ўрни ҳисобига нафақат ўзимизнинг, балки қўшни “Боғибаланд” маҳалласидаги ишсиз ёшлар ва аёллар ҳам меҳнатга жалб этилди.

Ёшлар бандлигини таъминлашда “Ёшлар дафтари” имкониятларидан унумли фойдаланяпмиз. Маҳалладошимиз Муҳаммадзоҳирхон 2023 йилда ушбу дафтарга киритилган эди. Унга деҳқончилик қилиши учун 20 сотих ер майдони 30 йил муддатга фойдаланишга берилди. Бундан унумли фойдаланган қаҳрамонимиз ўтган мавсумда 20 миллион сўмга яқин даромад олди. Жорий йилда ҳам ажратилган майдондан самарали фойдаланиб, соф фойдани 20-25 миллион сўмга етказишни мақсад қилган. Бундай мисоллар талайгина.

Рейтинг баҳолаш тизимида маҳалланинг мустақил равишда инвестиция ва грантлар жалб қила олиш қобилияти ҳам муҳим ўрин тутади. Бу борада Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг “Маҳаллам — лойиҳам” дастурида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритганимиз ва 100 миллион сўм грант маблағини ютиб олганимиз катта бурилиш бўлди.

Ушбу маблағ эвазига 3 та марказий кўчага жами 222 та замонавий LED ёритгичлари ўрнатилди. Кўчаларимиз 100 фоиз тунги ёритиш тизими билан таъминланди. Бу эса кечки ва тунги вақтларда пиёдалар ҳамда ҳайдовчилар учун хавфсиз ҳаракатланиш имкониятини кенгайтирди, маҳаллада жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаб, ҳудудга обод ва кўркам қиёфа бахш этди.

Халқимизда “Бирлашган ўзар”, деган ибратли нақл бор. Шу насиҳатга амал қилиб, кам бўлмадик. Ҳудуддаги ижтимоий ва инфратузилмавий муаммоларни давлат дастурлари ва “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали биргаликда, овоз бериш жараёнларида фаол ҳал этяпмиз. Жумладан, жорий йилда халқимизнинг ҳамжиҳатлиги эвазига илгари сурган 2 та таклифимиз ғолиб деб топилди. Натижада ички йўллар тўлиқ асфальтланди, 18-сонли умумий ўрта таълим мактаби ҳудудида замонавий спорт мажмуаси — болалар спорт майдончаси барпо этилди. Бундан ташқари, ҳашар йўли билан Шотут кўчасига янги ичимлик сув тармоғи тортилди.

Ҳақиқий намунали маҳалла ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмайди. Биз ҳам давлат-хусусий шериклик асосида 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун “Меҳр булоғи” номли кундузги парвариш хизматини йўлга қўйдик.

Ушбу муассасада болажонларга сифатли реабилитация хизматларини кўрсатиш учун барча зарур шароитлар мавжуд. “Меҳр булоғи” ота-оналарга маънавий ва жисмоний суянч бўлса, болалар учун ижтимоий ривожланишга мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Мазкур ижтимоий ёрдам кўлами кенгайтирилиши ҳисобига, ногирон фарзанди бор оилаларнинг бандлиги таъминланиб, меҳнат қилиши учун шароит яратилмоқда, болаларнинг эса жамиятга ижтимоийлашувига кўмаклашилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, юксак эътироф тасодиф эмас. Бу — давлатимиз яратиб бераётган имкониятлар, маҳалла фаолларининг тўғри ташкилотчилиги ва аҳолимизнинг юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси маҳсулидир. Эришган ютуқларимиз бизни тўхтатиб қўймайди, аксинча, маҳалламизни янада обод ва фаровон гўшага айлантириш йўлида янги марралар сари руҳлантиради.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Катта мақсадларга кичик одамлар етказади

Мен учун солиқ тушумларини таъминлаш фаолиятимдаги ягона мақсад эмас. Энг муҳими, бириктирилган маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, норасмий бандликни қонунийлаштириш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва тадбиркорларнинг фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашишдир.



Мелс ХЎЖАБЕКОВ, Бахмал туманидаги “Музбел”, “Барлос”, “Истиқлол”, “Боғишамол”, “Фидокор” маҳаллалари солиқ инспектори.

Бугун менга бешта маҳалла бириктирилган. Ҳар бирида ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда хонадонлар ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини ўрганамиз. Кимдир тадбиркорлик бошлаш ниятида, кимдир ўз фаолиятини кенгайтириш учун имконият излайди, яна кимдир норасмий меҳнат билан банд. Биз уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, муаммоларини аниқлаш ва қонуний фаолият юритишлари учун амалий ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Масалан, “Барлос” маҳалласида олиб борилган ўрганишлар натижасида 61 та корхонадаги 36 нафар ходимнинг бандлиги қонунийлаштирилди. Қийинчиликка дуч келган 27 нафар тадбиркорнинг муаммолари ўрганилиб, уларга қонунчилик доирасида йўл-йўриқ кўрсатилди. Шунингдек, хатлов давомида аниқланган бешта тадбиркорлик субъекти қайтадан рўйхатдан ўтказилди. Ўзини ўзи банд қилган тўққиз нафар фуқаронинг фаолияти тадбиркорлик субъектига айлантирилди.

Ҳоким ёрдамчиси, асосан, кредит ва тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш билан шуғулланган бўлса, мен солиқ инспектори сифатида тадбиркорнинг кейинги фаолиятини йўлга қўйиш, ходимларини расмийлаштириш, солиқ имтиёзлари ва қонунчиликдаги енгилликлардан тўғри фойдаланишига кўмаклашдим.

Яқинда Чарос Бойму-родованинг тадбиркорлик фаолиятини бошлагани ҳам шундай ишларимизнинг бир натижаси бўлди. У келинлик либосларини олиб келиб, гўзаллик салони очишга қарор қилди. Дастлаб бу унинг учун шунчаки бир орзу ва янги имконият эди. Фаолиятини қонуний йўлга қўйиш, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ва ишини тўғри ташкил этиш масалаларида унга амалий кўмак бердик. Бугун Чарос ўз меҳнати билан даромад топиш, мижозларга хизмат кўрсатиш ва келгусида фаолиятини кенгайтириш имкониятига эга.

Бириктирилган бешта маҳаллада солиқ тушумлари билан бир қаторда тадбиркорлик фаоллигини ошириш ва солиқ базасини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Солиқ турлари бўйича бажарилиш кўрсаткичларим назорат баҳосида 100 баллдан юқори натижани қайд этди. Албатта, бу ҳам меҳнатимизнинг бир кўрсаткичи.

Мен бир нарсага ишонаман: солиқ хизмати фақат тушум йиғиш билан чекланмаслиги керак. Биз тадбиркорнинг ёнида бўлсак, унинг муаммосини тингласак, қонуний ишлашига кўмаклашсак, бундан бутун маҳалла манфаат кўради. Шу боис ҳар бир иш кунимни маҳалладаги инсонлар билан мулоқот қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва янги имкониятлар яратишга бағишлайман.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



СУД ОЧЕРКИ

Меҳр ўрнини қаҳр эгаллаганда...

Инсон ҳаёти — олий қадрият. Бироқ баъзан инсон ғазаб ва нафрат исканжасида ақл-идрокини йўқотиб, нафақат ўз тақдирини, балки бегуноҳ инсонлар ҳаётини ҳам барбод қилади. Қашқадарё вилоятида содир этилган жиноят ҳам инсон ҳаётига нисбатан ўта шафқатсиз муносабатнинг аянчли оқибатини намоён этди.

Фарҳод ТИЛАВОВ, Қашқадарё вилояти суди бош консультанти.

...Воқеа 2026 йил 15 май куни кечаси содир бўлган. Судланувчи С.Т. жабрланувчининг Ғузор туманидаги хонадонига бориб, у билан жанжаллашган. Сўнгра ўзи билан олиб келган беш литрли пластик идишдаги бензинни аёл ва унинг тўрт нафар вояга етмаган фарзанди устига сепиб, уларни тириклайин ёқиб юборган.

Бу жиноятнинг ҳар бир тафсилоти кишини ларзага солади. Оқибатда аёл ва унинг икки фарзандининг ҳаёти сақлаб қолинган бўлса-да, олинган оғир куйиш жароҳатлари туфайли олти ёшли ўғил ва ўн бир ёшли қиз вафот этган.

Икки гўдакнинг ҳаёти узилди. Уларнинг орзу-умидлари, эндигина бошланаётган болалиги, онасининг бағрида улғайишга бўлган ҳаққи бир зумда тортиб олинди. Бу йўқотишни ҳеч қандай жазо, ҳеч қандай товон билан қоплаб бўлмайди. Қолган фарзандлари ва онанинг қалбида эса бир умрлик жароҳат қолди.

Суд мажлисида жабрланувчи аёл судланувчига нисбатан энг оғир жазо тайинланишини сўраб, ўз дардини қуйидагича ифода этди: ***“Икки болам энди қайтиб келмайди. Енгил жазо берсанглар, бу каби инсонлар кўпайиб кетади. Олий жазо беришингизни сўрайман”.*** Бу — икки фарзандидан айрилган онанинг юрак фарёди, адолатга бўлган умиди ва бошқа бирор оила бундай фожиани бошидан кечирмаслиги ҳақидаги аламли илтижосидир.

Албатта, суд ҳар қандай ишни кўришда қонунга, аниқ далилларга ва адолат мезонларига таянади. Жиноят ишлари бўйича Қамаши туман судининг ҳукми билан С.Т. Жиноят кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ, қасддан одам ўлдириш ҳамда мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбли, деб топилди. **Унга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.**

Ушбу ҳукм жиноятнинг ўта оғирлиги, инсон ҳаётига етказилган қайтариб бўлмас зарар ва қонун талабларидан келиб чиқиб қабул қилинган ҳуқуқий қарор ҳисобланади.

Бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: оиладаги низо, ўзаро келишмовчилик ёки муносабатларнинг бузилиши ҳеч қачон зўравонликни оқлай олмайди. Ғазаб билан қилинган бир ҳаракат бутун бир оиланинг тақдирини ўзгартириши, бегуноҳ болаларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Шу боис жамиятда ҳар қандай низони мулоқот, сабр ва қонун доирасида ҳал этиш маданиятини шакллантиришимиз зарур.

Бундай фожиалар биздан яна бир муҳим масала ҳақида жиддий ўйлашни талаб қилади: оиладаги зўравонлик аломатларига бефарқ қарамаслик, таҳдид ва тазйиқни оддий маиший келишмовчилик сифатида баҳоламаслик керак. Зеро, ўз вақтида кўрилган чора, берилган ҳуқуқий баҳо ва кўрсатилган амалий ёрдам инсон ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.



Пешку туманидаги “САДР”, “ДЕҲЧА” ва ИБН СИНО номидаги маҳаллаларда аҳолига ижара асосида ер берилиб, замонавий иссиқхоналар ташкил этилди.



НАВБАҲОР ТУМАНИДАГИ “НАВКАР” МАҲАЛЛАСИДА ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Долзарб 10 кунлик” эълон қилинди.



ЗАРБДОР ТУМАНИДАГИ “НУРОБОД” МАҲАЛЛАСИДА кўп қаватли уйлар ҳудудида замонавий болалар майдончаси фойдаланишга топширилди.

САРАТОН ТАШХИСИ ҚЎЙИЛГАН БЕМОРЛАР
кимнинг тавсиясига амал қилиши керак?

Инсоннинг иши тушмагунча, ўша соҳанинг ичидаги ҳақиқий аҳволни билмас экан... Бу аччиқ ҳақиқатни бугун фарзанди, ота-онаси ёки жигарбандлари оғир дард — саратонга чалинган юртдошларимиздан тез-тез эшитамиз. Сабаби, касаллик ташхисининг ўзиёқ инсонни ва унинг яқинларини даҳшатга солади. Бемор ва унинг қаровчилари руҳий тушкунлик юки остида қолади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



Мақола аввалида соҳадаги ижобий ўзгаришларни алоҳида қайд этиб ўтиш адолатли бўлади. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун 5 гектар майдонда янги, замонавий бино қад ростлагани ва унинг энг сўнгги технологиялар билан жиҳозлангани беморлар учун қулайлик яратди. Давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида рақамлаштиришни энг асосий топшириқ сифатида қайд этиб, коррупция ва оворагарчиликларни йўқотиш учун инсон омилини камайтириш кераклигини таъкидлаган эди.

Бугун мана шу топшириқлар ижроси натижасида рўйхатга олишдан тортиб, ётиб даволанишгача бўлган жараён рақамлаштирилди. Лекин...

Янги бинонинг гўзал деворлари ортида, ҳақиқий ҳаётда турфа аламли саволлар ва тизимли нуқсонлар кўзга ташланмоқда.

Саратонга шубҳа қилинганда, ташхис жараёнининг ҳал қилувчи энг муҳим босқич — гистолик текширув ҳисобланади. Лекин бунинг учун алоҳида ультратовуш текшируви ускунаси ажратилмаган. Яна муолажани амалга ошириш учун махсус “шприц” (мослама)ни шифохонанинг ўзидан 10 баробар қимматга оласиз, десам ишонасизми?

Бир танишимга шу текширув тайинланганда, марказ масъуллари мослама учун 2 миллион сўм нарх айтишди. Ижтимоий тармоқлар орқали хусусий тиббий дўконлардан 210 минг сўмга сотиб олдик. Аслида аксинча бўлиши, давлат шифохонасида бундай воситалар ҳамёнбоп ва қулай нархда сотилиши керак эмасми? Саволга жавоб олиш учун бош шифокор ўринбосарига қилган мурожаатимиз бесамар кетди. Бош шифокор Беҳзод Бойматовнинг таъкидлашича, УТТ ускунаси сотиб олиш юзасидан таклиф тайёрлаб берилган. Яқин кунларда ижобий ечим бўлиши кутиляпти.

Аммо муаммолар шу билан тугамайди. Биопсия таҳлили олингандан кейин бемор натижа чиқишини нақд 7 кун оёқ-қўли “боғланиб” кутишга мажбур. Сабабини сўраганимизда, ходимлар вазиятни келувчилар сонининг кўплиги билан изоҳлашди. Потомарфология бўлими бошлиғи Аҳрор Мадалиевнинг айтишича, ижобий натижа бор, лаборатория замонавий ускуналар билан жиҳозланган, ўтган йили 2 та ходим ишлаган бўлса, бу йил штат бирлиги 7 тага етказилган. Бироқ йиллар давомида имкониятлар янада кенгайиб, муддат қисқаришини кутишга беморнинг вақти етармикан? Ахир саратонга шубҳа қилинган инсон учун ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат. Ўсимта ичидаги хавфли ҳужайра 7 кун ичида ривожланиб, тананинг бошқа қисмларига ёйилиб (метастаз) кетиши ва инсоннинг тузалиш имкониятини бутунлай йўққа чиқариши мумкин.

Кўпчилик онкология марказида тиббий хизмат кўрсатиш бепул эмасми, деб сўраши табиий. Тўғри, бепул хизмат кафолатланган, аммо бунинг учун яшаш жойидаги шифохонадан имтиёзли электрон йўлланма (ордер) олиш керак. Бир қарашда тизим шаффоф ва осондек. Лекин амалиётда унга эришиш — азоб.

Гап шундаки, электрон йўлланма марказ базасига 7 босқичда келиб тушади. Онкология йўналишида имтиёзли йўлланмалар молиялаштирилиши янги рақамлаштирилган тизим (DMED) ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ўртасидаги боғланишнинг тўлиқ созланмагани ҳамда бюрократик текширувлар сабаб ҳафталаб кечикмоқда. Натижада зудлик билан муолажа бошланиши зарур бўлган бемор умидсизлик ичида вақт йўқотди. Чорасиз қолган одамларга ягона муқобил йўл сифатида пуллик хизмат таклиф қилиняпти.

Ваҳоланки, Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг расмий баёнотига кўра, бундай кечикишлар қонунбузилиш ҳисобланади. Жамғарма маблағлар шифохонага бемор амалда даволаниб бўлганидан кейин ўтказиб берилишини, техник жараёнлар беморни тиббий ёрдамдан маҳрум қилишга асос бўла олмаслигини таъкидлади.

Аммо марказнинг электрон йўлланмалар бўйича масъул ходими Музаффар Умаровнинг фикри бутунлай бошқача. Агар бемор суғурта пул ўтказмасидан олдин қабул қилинса, шифохонага маблағ тўланмайди. Хўш, икки муассаса бир-бирини рад этаётган пайтда, саратон ташхиси қўйилган беморлар кимнинг тавсиясига амал қилиши керак? Жамғарманинг расмий баёнотигами ёки марказнинг ички талабига?

Мана шу идоралараро тушунмовчилик, қуруқ қоидалар ва пул можароси оддий шифохона хоналарида қандай акс этаётганини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас.

...Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг даволаш бўлими

ОҒРИҚ

хоналаридан бири. Бу ерда беморга қараб ётибман. Биз билан яна икки нафар ҳамхона бор. Улардан бири андижонлик йигит. Касаллик уни шу қадар ҳолдан тойдирганки, тинимсиз оғриқлар ичида азоб чекади. Эрталаб хонага кирганимда, кўз ёшларини яширолмай йиғлаб ўтирган экан. Оғир дард чекаётган эркак кишининг чорасиз йиғисини кўриш осонмас.

Бу йигитнинг ҳам тизимда электрон йўлланмаси чиқмагани учун пуллик хизматдан фойдаланишга мажбур бўлган. Уч кунлик тўловдан қарздор бўлиб қолибди. Уйдагилари пул топиб, йўлга чиқишган, лекин шифокорлар кутишни исташмаяпти. Ҳозироқ касаллик тарихини ёпиб, хонани бўшатиб, чиқиб кетишни талаб қилишибди.

Ишонинг, инсонийлик ҳали ўлмаган — бор-йўғи бир неча дақиқа ичида керакли маблағ пластик картага ташлаб берилди, кўп ўтмай йигитнинг яқинлари ҳам етиб келди. Муаммо ҳал бўлди. Аммо ҳар сонияда ўлим билан олишаётган, ҳаёт шами сўниб бораётган ўша беморнинг кўзидаги чорасизлик ёшлари ҳанузгача кўз олдимдан кетмаяпти, юрагимни тирнаяпти.

Аслида, мана шу оддий қоғоз парчаси бўлган пуллар, тизимдаги бюрократия ва совуққонлик — даҳшатли касалликнинг сўнгги босқичида, ҳаёт ва мамот чегарасида турган инсоннинг кўз ёшига арзирмикан? Кимдир бу саволларга якуний хулоса ва аниқ ечим айтиши керак назаримизда.

МУТАХАССИС ФИКРИ

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ — ҚЎРҚИТИШ ЭМАС, ТУШУНТИРИШДА

Ҳар йили куз келиши билан шаҳар ва қишлоқларимизда бир хил манзара такрорланади. Кимдир ҳовлисини тозалаш мақсадида йиғилган хазонларга, деҳқонлар эса дала четидаги қуруқ шох-шабба ва сомонпояларга гугурт чақади.



Хайрулло ҒАППОРОВ,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси.

Бир қарашда оддий ва зарарсиз туюлган бу “кузги тозалик” аслида ўзимиз нафас олаётган ҳавони заҳарлаш, фарзандларимиз соғлиғига путур етказиш ва замин унумдорлигини йўқ қилиш эвазига бўлаётганини англаб етмаяпмиз.

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг огоҳлантиришича, ўсимлик қолдиқлари ёнганда оддий тутун эмас, балки инсон танаси учун ўта хавфли бўлган кимёвий бирикмалар аралашмаси ҳосил бўлади. Олов алангаланганда атмосферага заҳарли моддалар ажралиб чиқади. Бу ҳаво оқими шамол орқали бутун атрофга тез фурсатда тарқалади. Натижада нафас йўллари ўта сезгир бўлган ёш болалар, кексалар ҳамда сурункали хасталикка чалинган инсонларнинг соғлиғи жиддий хавф остида қолади.

Бугунги кунда дала майдонларида ва маҳаллаларда хазон ҳамда сомонпояларни ёқиш қонунчилик билан қатъиян тақиқланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, бундай ҳуқуқбузарлик учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача жарима солинади. Экин майдонларига етказилган зарар учун эса алоҳида иқтисодий чоралар кўрилади.

Аммо муаммо бу билан ҳал бўлмаяпти. Демак, муқобил ечимлар бериш ва одамларнинг фикрлашини ўзгартириш лозим. Аслида улар хазонни нима қилишни билмаганидан ёқади.

Таклифим, ҳар бир маҳалла ёки кўча бошида махсус умумий жой ажратилиб, йиғилган хазонлар ўша ерга тўпланиши, табиий ўғит(чиринди)га айлантирилиши мумкин. Ҳовлида кичик хандақ қазиб, баргларни кўмиб қўйиш ва баҳоргача тайёр озуқавий тупроқ олиш технологиясини оддий тилда тушунтириш лозим.

Куз мавсумида маиший чиқинди ташувчи машиналар хазон ва шох-шаббаларни алоҳида жадвал асосида текин ёки арзон нархда олиб кетишини таъминлаш керак. Йиғилган барглардан махсус ёқилғи ёки қишлоқ хўжалиги учун ўғит ишлаб чиқариш муқобил ечим бўлади.

Жарима билан қўрқитишдан кўра, зарарни кўргазмали тарзда кўрсатиш кўпроқ самара беради. Мисол учун, экологик тоза ва кузда хазон ёқмайдиган маҳаллаларни моддий ёки маънавий рағбатлантириш тизимини жорий этиш, фаоллар ва ёшлардан иборат кўнгиллилар гуруҳлари куз оқшомларида ҳудудларни айланиб, ўт ёқмоқчи бўлганларни олдиндан огоҳлантириши зарур.

“ВИЖДОН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ” ЙИЛАШГА, МУШОҲАДАГА ЧОРЛАЙДИ

Бугунги тезкор, глобаллашув ва технологиялар асрида инсон яшашдан мақсад нима эканини унутиб, тинимсиз ҳаракатлар ичида қолиб кетаётгандек. Биз моддий бойлик, мартаба кетидан қувиб, энг асосий нарсани — ички дунёмиз, руҳиятимиз ва қалбимиз софлигини бой бериб қўймаяпмизми?

Шуҳратжон ТЎРАБОЕВ,
Чортоқ туманидаги “Тинчлик” маҳалласи раиси.

Кўпинча кундалик ташвишлар билан бўлиб, ўз-ўзимиз билан ёлғиз қолишдан, қалбимиз туб-тубига назар солишдан қўрқамиз. Чунки у ерда бизни алдаб бўлмайдиган энг одил ҳакам — Виждон кутиб туради. Инсон қачон ўз виждони билан юзма-юз келади? Хатоларини тан олиб, умр мазмуни ҳақида фикрлай бошлагандагина у ҳақиқий англаш даражасига етади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Одилжон Иномовнинг “Виждон билан юзма-юз” номли адабий-публицистик асарида мана шундай ҳаётий ва оғриқли саволларга жавоб изланган. Муаллиф ушбу китоби орқали ўқувчини кимнингдир устидан ҳукм чиқаришга ёки айблашга эмас, балки, аввало, ўз



қалбига қулоқ тутишга, ўйлашга ва мушоҳада юритишга чорлайди.

Китобга жамланган эсселарда ҳаётнинг жуда оддий, аммо туб-тубида улкан маъно яширинган ҳолатлари маҳорат билан таҳлил қилинади. Муаллиф инсоният мавжудлигининг пойдевори ҳисобланган абадий мавзуларни қаламга олади.

“Виждон билан юзма-юз” китобининг энг ютуқли жиҳати, унда ўқувчига мажбурий хулосалар, тайёр ҳақиқатлар ёки қуруқ панд-насиҳатлар тиқиштирилмайди. Ҳар бир эссе — ўқувчининг ички оламига ташланган бир нур, берилган жиддий саволдир. Ўқувчини шерикка айлантиради ва у билан самимий кўнгил суҳбатини қуради. Зеро, ҳар бир инсон ўз ҳақиқатини аввало, ўз қалбидан топиши керак.

Асарнинг бош ғояси жуда гўзал ва таъсирли шаклда ифодаланган. Инсоннинг ҳақиқий қиёфаси, унинг бу дунёдаги қийматини тўплаган бойлиги, ижтимоий мақоми ёки ташқи кўриниши билан эмас, балки виждонига содиқлиги, атрофидагиларга бўлган муносабати ва бошқаларнинг қалбида қолдирган яхши хотираси билан белгиланади. Бу асар одам бўлиб келиш ва одам бўлиб кетиш масъулияти ҳақидадир.

КИТОБ ЖОВОНИНГИЗГА...

Одилжон Иномовнинг ушбу китоби шунчаки ўқиб қўйиладиган асар эмас. У — қалбга сокинлик ва шу билан бирга руҳий уйғониш олиб кирувчи асар. Ўз-ўзини излаётган, ҳаётига маъно ва масъулият билан қарашни истаган ҳар бир китобхон учун доимий ҳамроҳга айланиши шубҳасиз.

Қарз билан бошланган оилада барака бўлмайди

Яқинда маҳалладаги тўйда қатнашиб, бир ҳолатга эътибор бердим, Чиройли кийинган, бахтдан кўзлари порлаши керак бўлган келин-куёв никоҳ оқшомида бир-бирининг қўлини тутиб, суҳбатлашиш ўрнига, деярли бутун кечани телефонига термилиб ўтказишди. Энг ачинарлиси, орадан атиги уч ой ўтиб, мана шу жуфтлик ажрашиш учун маҳаллага келишди.

Ғайратжон ТОШПЎЛАТОВ,
Қўқон шаҳридаги “Мингтут” маҳалласи раиси.

Бундай салбий манзаралар сони ортиб боришига кўп ҳолларда арзимас маиший муаммолар сабаб қилиб кўрсатилади. Лекин муаммонинг асл илдизи анча чуқур, бу — замонавий келин-куёвлар ўртасидаги ижтимоий тармоқлар яратган сохта ҳаёт ва моддиятнинг маънавиятдан устун қўйилишидир.



Ёшлар оила қуришдан олдин ижтимоий тармоқлардаги тасвирларга алданиб улғаймоқда. Натижада уларда оила ҳақида фақат ширин лаҳзалардан иборат бўлган нотўғри тушунча шаклланяпти. Тўйдан кейин ҳар куни гуллар, ресторанлар, қимматбаҳо саёҳатлар ва доимий байрам бўлиши керакдек. Тўй ўтгач, рўзғор ташвишлари, иқтисодий масъулият, қайнона-келин муносабатлари ва феъл-атворидаги фарқлар намоён бўлганда, ёшлар “эртак” тугаганини ҳис қилишади.

Илгари оила икки ёшнинг бир-бирига бўлган ишончи, муҳаббати ва қийинчиликларни бирга енгишга берган ваъдаси устига қуриларди. Бугун эса, афсуски, кўп ҳолларда оила қуриш катта бир бизнес лойиҳага ўхшаб қолди.

Тўйдан олдинги мажбурий расмиятчиликлар — қимматбаҳо мебеллар, энг сўнгги русумдаги маиший техникалар, тоғдек сеплар ва бир неча юз кишилик дабдабали тўйлар. Бу орзу-ҳавасларнинг аксарияти қарз ёки кредит эвазига амалга оширилади. Тўй ўтгандан кейин эса мана шу қарзларни узиш машаққати бошланади. Моддий етишмовчилик, пул устидаги тинимсиз жанжаллар ҳали пишиб етилмаган оиланинг пойдеворини тез фурсатда емириб ташлайди.

Замонавий оилаларни бу мафкуравий инқироздан асраб қолиш учун биз бир нечта муҳим ҳақиқатларни англаб, ҳаётга татбиқ этяпмиз. Жумладан, маҳалла фаоллари иштирокида ёшларга ижтимоий тармоқлардаги ҳаёт атиги бир неча сониялик чиройли кадр эканини, экран ортида ҳам ҳамма қатори муаммо ва оғриқлар борлигини тушунтиряпмиз.

Тўйларни ва рўзғорни “одамлар нима дейди”, деб эмас, балки ўз чўнтаги ва имкониятига қараб ташкил этиш лозимлигини тарғиб қиляпмиз. Қарз билан бошланган оилада барака бўлмаслигини таъкидлаяпмиз.

ШАХСИЙ КУЗАТУВ

Хулоса ўрнида, оилани маиший гўзалликка бўлган меъёрдан ортиқ нафсимиз ва маънавий қашшоқлигимиз бузяпти. Ҳақиқий бахт оиладаги тинчликда, бир-бирини тушунишда ва қалб хотиржамлигидадир. Буни англаш учун либосларимиз ва суратларимиз эмас, аввало қадриятларимиз замонавий ва мустаҳкам бўлиши керак.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Ўзбекистоннинг 38 та олий таълим ташкилоти “Quacquarelli Symonds” ОСИЁ РЕЙТИНГИГА КИРДИ.



“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида ВОБКЕНТ ТУМАНИДАГИ “ХАЙРОБОД” МАҲАЛЛАСИДА ички йўлларни асфальтлаш ишлари бошланди.



ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ “КЎКЧА” МАҲАЛЛАСИДА мактаб ўқувчилари ўртасида “Ош фестивали”, “Ҳосил байрами” ташкил этилди.

Mahalla №90 2026 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ, ШАНБА

Тендерда ғолиб бўлиш тадбиркорнинг хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради, аммо унинг кейинги фаолиятини назоратсиз қолдиришга асос бўлмайди

ҚУТЛОВ

“Катта одам” — КАТТА ҚАЛБ

Журналистикада таълим олаётган ва амалиётда фаолият юритаётган кўпчилик бу инсоннинг бағрикенг, ҳамма нарсани эринмай тушунтириши ва йўл-йўриқ кўрсатишдан асло вақт қизғанмаслигини жуда яхши билади.



Садоқат МАҲСУМОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Медиа назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, PhD, доцент.

Аслида, мен бу устоз ҳақида олис Ҳисоракнинг чанг кўчаларида, мактаб даврларимдаёқ эшитганман. Катта акам шаҳарга ўқишга кирган, ҳар шанба-якшанба уйга келганда байрам бўларди. Чунки оилавий ўтирамиз, яхши таом ҳозирлаймиз. Бу гурунгларда акам Ҳалим Саидов исмини кўп тилга олар, ота-онам у кишини яхши инсон экан, дея эътироф этишарди. Бир гал акам энди “Устозимиз билан бир жойда ишлаймиз”, деб айтиб қолди, шу куни хонадонимизда ош дамланди. **Хаёлимда ҳаммага кўмаклашадиган “катта одам” гавдаланди.**

Устознинг ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлови билан яна юзлаб хонадонларда мана шундай хурсандчилик бўлгани, ош дамланганига ҳам шубҳам йўқ. Орадан йиллар ўтиб, менга ҳам шу устоздан таълим олиш насиб этди. “Репортёрлик маҳорати” фани илк бор ҳаммамизни муҳаррирлик масъулияти билан юзлаштирганди. Мен у пайтлари Сергелида ижарада турардим. Шаҳарнинг шовқинига тўлиқ кўникмаган 19 ёшли қизнинг муҳаррирлик навбати келди. Деворий газетани ўзимиз билганча саҳифаладик, мавзуларни, курсдошлар мақолаларини сараладик, қоронғу тушганда ишни тугатдик. Эртаси куни устоз меҳнатимизни мақтади, яхши баҳо олдик.

Ҳозир эсласам, бу фанлардан биронтамиз паст баҳо олмаган эканмиз. **Билсам, аслида, оталарча ғамхўрлик, кичик бўлса-да, қилинган меҳнатни қўллаб-қувватлаш учун кўп нарса ҳам керак эмас экан.** Бир куни устоз: “Кимнинг газета ва журналларда хабар ва янгиликлари эълон қилинса, якуний назоратдан юқори баҳо олади”, деб қолдилар. Юрагимга чўғ тушди! Дарсдан кейин “Матбуотчилар уйи”га ошиқардим, кўзойнакли опанинг тушлик вақти тугашини интиқ кутардим. Аввалига “Маърифат” ва “Mahalla” газеталарида амалиёт ўтадим. Кўпчиликдан кўп нарса ўргандик, илк қораламаларим, таҳриридан сўнг 3 тагина жумласи қолган мақолам “Mahalla” нашри саҳифаларида дунё юзини кўрди. Тагида исм-шарифим ёзилган мақолани ўн марталаб қайта-қайта ўқигандим.

Хуллас, мақолаларимни таҳрирлашдан, камчиликларини тузатишдан эринмадим. Ниҳоят, “Репортёрлик маҳорати” фанидан 100 балл олдим. Баҳо — нисбий тушунча, албатта. **Аммо бу жараён кейинчалик мени сўз қўллашда масъулиятли бўлишга, ўзига хос ёндашув ва янги топилмалар излашга ўргатди.** Ишга жойлашиб, шартнома пулини ойликдан тўлай бошлаганимда тушундимки, устоз юқори баҳо қўйиш орқали таҳририят эшигидан киришга, унинг қозонида қайнашга, алал-оқибат ўз ўрнимиз ва ризқимизни топишга беминнат ёрдам берган, йўл кўрсатган эканлар.

Ҳалим Саидовнинг нафақат амалиётдаги чиқишлари, балки журналистика назариясига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси ҳам залворли. Хусусан, устоз ўнлаб дарслик, ўқув-қўлланма ва монографиялар муаллифи. “Жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг ривожланиш омиллари”, “Талаба журналистга мактублар”, “Матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси”, “Репортёрлик маҳорати” каби китоблар бугунги кунда соҳа мутахассисларини тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий публицистикамиз тарихи, хусусан, жадидчилик ҳаракати ва маърифатпарварлар меросини чуқур илмий асосда тадқиқ этиб келаётган устоз ҳозирда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Медиа назарияси ва амалиёти кафедраси қошидаги “Жадидчилик” илмий мактабига ҳам раҳбарлик қилмоқда. Мактабда “Устоз-шогирд” анъаналари асосида магистрлик ва докторлик ишларига илмий раҳбарлик қилиняпти, анъанавий тарзда халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Мақсад — нодир манбаларни янги авлодларга етказиш, халқаро миқёсга олиб чиқиш, хориждан шу йўналишда тадқиқот олиб бораётганлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Шу пайтгача устознинг на дарсда ва на ташқарида бирон кимга баланд овозда гапирганини кўрмадим. **Улардаги салобат оҳангда, нигоҳда яққол сезилади, бу вазминлик ва мушоҳадакорлик кенг илм, катта тафаккур маҳсули, назаримда.**

Яқинда бир илмий семинарда тақризчи сифатида қатнашдим. Иш ахборот технологиялари ва журналистика соҳалари чорраҳасида тайёрланган эди. Мезонларга таяниб, ўз фикрларимни билдирдим. Якунда иш кўпроқ ахборот технологияларига тегишли бўлиб қолганини, зарур тузатишлар киритилгандан сўнггина кейинги босқичга тавсия этиш мумкинлигини айтдим.

Иккинчи тақризчи ҳам кўплаб камчиликларни санаб ўтди. Шунда Ҳалим Саидов сўз олиб: “Мен бу ишни қўллаб-қувватлайман. Биринчидан, жуда долзарб мавзу танланган. Иккинчидан, тадқиқотчи шунча меҳнат қилган, жиддий таҳлил бор, бир бутун платформа яратган. Дўстлар, буни эътиборга олиш керак. Ҳар бир айтилган янги, ностандарт фикрни бўғаверсак, кейин ҳеч ким янги сўз айтмай қўяди, ҳаммамиз қолипда ўтирадиган бўламиз”, — дедилар.

Устоздан яна бир сабоқни олдим. **Ёш тадқиқотчиларга ишонч билдириш, ҳар бир янгича фикрни эшитиб кўриш керак.** Бугун ҳаётда ҳам, илмда ҳам устозимиз бўлган Ҳалим Саидов 60 ёшни қарши олмоқда. Устоз, доимо эътироф ва эъзозда бўлинг! Сиз билан яна кўп йиллар бир сафда ишлаш, маслаҳатлар олиш биз шогирдларга насиб этаверсин.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Болалар дастурхонидаги назорат: СУТНИНГ ҚАДОҒИ БУТУН, СИФАТИ-ЧИ?

Бола боғчага борганда, ота-она унинг нафақат таълими ва тарбияси, балки кун давомида қандай овқатланиши ҳақида ҳам ўйлайди. Ва бу борада фарзандининг соғлиғи ва хавфсизлигини муассасага ишониб топширади. Аммо боғчада болаларнинг овқатдан заҳарланиши билан боғлиқ айрим ҳолатлар бу ишончни жиддий синовдан ўтказмоқда.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Жорий йил 23 октябрь куни Фарғона шаҳридаги 2-, 7- ва 47-мактабгача таълим ташкилотларининг 51 нафар тарбияланувчиси тана ҳарорати кўтарилиши, қорин оғриғи, ҳолсизлик, кўнгил айниши ва ич кетиши каби шикоятлар билан шифохонага мурожаат қилган. Уларнинг 20 нафардан ортиғи юқумли касалликлар шифохонасида даволанган.

Дастлабки маълумотларга кўра, учала боғчага ҳам ўша куни “Чорвадор” фермер хўжалиги сут маҳсулотларини етказиб берган. Болалар мазкур маҳсулотларни истеъмол қилганидан кейин касаллик аломатлари кузатилган. Муҳими, учала боғчада ҳам таомлар муассасанинг ўз ошхонасида тайёрланган. Демак, маҳсулотни етказиб бериш ва ундан таом тайёрлаш жараёни ҳам алоҳида ўрганилиши зарур.

Афсуски, Фарғона вилоятида бу каби ҳолат биринчи марта кузатилаётгани йўқ. Жорий йил бошида ҳам вилоятдаги мактабгача таълим ташкилотларида 70 нафардан ортиқ бола овқатдан заҳарлангани ҳақида хабарлар тарқалган эди.

Ҳақли савол туғилади: **болаларга берилаётган маҳсулотлар қай тартибда текширилади, уларнинг сифати учун ким жавоб беради ва мавжуд назорат тизими нега бундай ҳолатларнинг олдини олишга ҳар доим ҳам қодир эмас?**



ҚОҒОЗДАГИ ТАЛАБ ВА АМАЛДАГИ НАЗОРАТ

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг хавфсиз овқатланишини таъминлаш бўйича санитария-гигиена талаблари белгиланган. Унда маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш, тайёрлаш ва тарқатиш тартиби, ҳарорат меъёри ҳамда идишларни зарарсизлантириш каби масалалар қамраб олинган.

Жумладан, айрим озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ҳарорати +2...+6 даража, тайёр иссиқ таомларни сақлаш ҳарорати эса +60...+65 даража бўлиши лозим. Бундан ташқари, маҳсулот ва тайёр таомлар сифатини баҳолаш махсус комиссия зиммасига юклатилган. Бир қарашда, барча жараёнлар тартибга солинган. Аммо талаблар аниқ бўлса, нега бундай ҳолатлар такрорланмоқда?

Масаланинг шу жиҳатига ойдинлик киритиш мақсадида **Тошкент шаҳар санитария-гигиена бошқармаси бўлим бошлиғи Жуман Тўйчиевга мурожаат қилдик.** Унинг таъкидлашича, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи тадбиркорлик субъектларини текшириш тартиби белгиланган. Бироқ санитария хизмати ҳар бир объектда исталган вақтда текширув ўтказа олмайди.

Масъулнинг айтишича, Фарғонада йил бошида кузатилган ҳолат юзасидан кейтеринг хизмати текширилган ва маҳсулотни етказиб бериш масофаси узоқлиги сабабли унинг сифати ёмонлашгани аниқланган. 23 октябрдаги ҳолат эса суҳбат вақтида ҳали ўрганиш жараёнида бўлган. Жуман Тўйчиев мактабгача таълим ташкилотларида озиқ-овқат сифати устидан доимий назорат олиб бориш имконияти чеклангани ва мутахассислар етишмаслигини ҳам таъкидлади.

— Режа бўйича бир йилда бир марта боришимиз мумкин. Шунда ҳам, асосан, ошхонадаги барча жараёнларни эмас, комиссия журналини текшириш имконияти мавжуд. Аслида, овқат тайёрлаш вақтида ҳам маҳсулот ёки таом бузилиши мумкин. Сифати кафолатланмаган маҳсулотлар ишлатилса, бундай ҳолатлар келиб чиқиши эҳтимоли бор, — дейди Жуман Тўйчиев.

Демак, санитария назоратида ҳам имконият ва ваколатлар билан боғлиқ чекловлар мавжуд. Бироқ болалар ҳар куни овқатланади. Шундай экан, назорат ҳам кундалик жараённинг бир қисми бўлиши керак эмасми?

КОМИССИЯ МАҲСУЛОТНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН, АММО...

Масаланинг иккинчи томонини ўрганиш мақсадида **Фарғона шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Гулхумор Халиловага мурожаат қилдик.** Унинг айтишича, ҳар бир туман ва шаҳарда мактабгача таълим ташкилотларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар сифатини ўрганиш учун махсус комиссиялар ташкил этилган.

— Аммо айнан 2-, 7- ва 47-мактабгача таълим ташкилотларидаги ҳолатда комиссияни айблашни ўринли, деб ҳисобламайман, — дейди Гулхумор Халилова. — Озиқ-овқат маҳсулотлари тендер орқали харид қилинади. Бизда ягона мавсумий таомнома мавжуд. Маҳсулот етказиб берувчилар белгиланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ танланади. Тегишли сертификатлари бўлган тадбиркорлар тендерда иштирок этади. Улар аввал санитария-гигиена хизмати ва бошқа масъул ташкилотларнинг кўригидан ўтади. Шундан кейингина тендерда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади ва шартнома тузилади.

Бу изоҳлардан маълум бўладики, маҳсулотни қабул қилишда, асосан, қадоғи, ишлаб чиқарилган санаси ва ташқи кўринишига эътибор қаратилган. Аммо қадоқнинг бутунлиги маҳсулот ичидаги микробиологик ҳолатни кафолатламайди. Яроқлилик муддати ҳам сақлаш ва ташиш талабларига риоя қилингандагина аҳамиятга эга. Шунинг учун боғчадаги комиссиялар назоратини фақат қадоқ ва ҳужжатларни текшириш билан чекламаслик керак.

Маҳсулотнинг сақланиш ҳарорати, етказиб бериш шароити баҳоланиши, зарур ҳолларда маҳсулот тўпламидан намуна олиниб, лаборатория текшируви ўтказилиши лозим. Қадоқланган маҳсулотни очиш эса белгиланган санитария тартиблари асосида, танлаб олинган намуналар билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Чунки маҳсулотнинг ҳиди ва ташқи кўриниши ҳам унинг микробиологик хавфсизлигини тўлиқ аниқлаб бермайди.

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ҚАНДАЙ?

Биринчидан, боғчага келтирилган ҳар бир маҳсулот учун қабул қилиш далолатномаси юритилиши, ишлаб чиқарувчи, партия рақами, ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати қайд этилиши зарур. Тез бузиладиган маҳсулотларнинг етказиб бериш вақтидаги ҳарорати ҳам махсус ўлчов воситалари билан текширилиши керак.

Иккинчидан, тендерда ғолиб бўлиш тадбиркорнинг хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради, аммо унинг кейинги фаолиятини назоратсиз қолдиришга асос бўлмайди. Таъминотчиларнинг омборлари, транспорт воситалари ва маҳсулотларни сақлаш шароитлари мунтазам баҳоланиши, шартномаларда сифат ва хавфсизлик бўйича аниқ мажбуриятлар белгиланиши лозим.

Учинчидан, комиссияларнинг вазифаси фақат журналга имзо қўйишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Унинг аъзолари маҳсулот сифати ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича етарли билимга, зарур ўлчов воситаларига эга бўлиши лозим. Тайёр овқатдан назорат намуналарини олиш ва сақлаш тартибига ҳам қатъий амал қилиш зарур.

Тўртинчидан, ота-оналар иштирокида жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мумкин. Таомнома, маҳсулот етказиб берувчилар ва санитария текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотлар очиқ тақдим этилиши, ота-оналарнинг мурожаатлари учун алоҳида алоқа канали ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Фарғонадаги сўнгги ҳолат бўйича текширув натижалари кутилмоқда. Шу сабабли ҳозирча бирор ташкилот ёки тадбиркорни қатъий айбдор, деб кўрсатиш тўғри эмас. Шу билан бирга, фақат маҳсулот етказиб берувчига нисбатан чора кўриш билан чекланиш муаммони тўлиқ ҳал қилмайди. Бутун тизимдаги камчиликлар бартараф этилиши, ҳар бир масъулнинг вазифаси ва жавобгарлиги аниқ бўлиши керак.

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Ҳақиқий бойликнинг эшиги ҳамиша очиқ

Шундай инсонлар борки, китобни шунчаки ўқимайди, уни ҳаётининг бир қисмига айлантиради. Муҳаммадамин ота Абдуллаев ана шундай китобга ошно инсонлардан.



Унинг китобга бўлган меҳри йиллар давомида тўплаган асарлари, мутолаага ажратган умри ва энг муҳими, бу бойликни бошқалар билан баҳам кўриш истагида намоён бўлади.

Норин туманидаги “Саодат” маҳалласида яшовчи отахон ўз хонадонини китобхонлар учун очиб, уни ҳақиқий маърифат масканига айлантирди.

Муҳаммадамин ота йиллар давомида бадиий адабиётларни тўплади, уларнинг аксариятини ўқиб, китоблар орқали ҳаётни, инсонларни, тарих ва қадриятларни янада чуқурроқ англашга интилди. Бироқ у бу бойликни фақат ўз ҳузури учун сақлашни истамади.

— Китоб ўқилмаса, унинг қадри тўлиқ намоён бўлмайди, — дейди отахон. — Мендаги китоблар бошқаларнинг ҳам қўлига етиб борсин, ёшлар уларни ўқиб, фикрласа, бундан ортиқ қувонч йўқ.

Шу ниятда бир неча йил аввал маҳаллада жамоатчилик кутубхонасига асос солди. Китоблар ва китобхонлар кўпайгач, кутубхонани ўз хонадонига кўчирди. Бугун бу ерда қарийб қирқ нафар илм шайдоларига мўлжалланган мутолаа зали, қадриятлар музейи ҳамда миллий ҳунармандчилик хонаси фаолият юритмоқда. Хонадонга кирган киши китоблар оламига шўнғиш баробарида, миллий меросимиз ва қадриятларимиз билан ҳам танишади.

“Халқ кутубхонаси” очилишида Муҳаммадамин отага мингдан ортиқ бадиий китоб совға қилинди. “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланиши эса унинг кўп йиллик меҳнатига берилган эътироф бўлди.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

Сув тагида сузоқ ичмоқ...

Ўзбек халқининг сўз хазинаси шундай қизиқарли ва образли ибораларга бойки, уларнинг айримлари бугун кундалик нутқимизда кам учраса-да, мазмунан ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. “Сув тагида сузоқ ичмоқ” ана шундай бироз унутилаётган, халқона ва ўзига хос иборалардан биридир.



Бу ибора ўз мақсади, қилаётган иши ёки ҳийласини бошқаларга сездирмасдан, усталик ва пинҳона амалга оширадиган кишиларга нисбатан ишлатилади. Бундай одамлар сир бой бермайди, ташқаридан қараганда ҳеч нарсадан бехабар ёки беозор кўринади, аммо ўз режасини билдирмасдан амалга оширишга уста бўлади. Ибора таркибидаги “сузоқ” сўзи қадимий маънода сузгич ёки сув олиш учун ишлатиладиган идишни англатади. Сув тагида туриб сузоқ ичиш тасаввури эса кўзга кўринмайдиган, сездирмасдан бажариладиган ҳаракатни ифодалайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Бугунги кунда ибора кундалик нутқда анча сийраклашган. Шунга қарамай, Бухоро ва Хоразмнинг айрим эски шаҳар муҳитларида, айниқса, ёши улуғ инсонлар суҳбатида унинг изларини учратиш мумкин.

Ўзбек тилида бу иборага яқин маънода қўлланадиган ифодалар ҳам талайгина. Масалан, “сувдан қуруқ чиқиш” — қалтис вазиятдан ўзига зарар етказмай қутулиш, “илоннинг ёғини ялаган” — ўта айёр ва тажрибали кишини, “ичидан пишган” эса сирини ошкор қилмайдиган, пухта ўйлаб иш тутадиган инсонни англатади.



“ОИЛА ВА ГЕНДЕР” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ Қорақалпоғистонда маҳалла хотин-қизлар фаоллари малакасини ошириш курсларини ташкил этди.



Жорий йилнинг шу даврига қадар 77,3 минг нафар шахс ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ МОСЛАМАЛАРИ ва реабилитация воситалари билан таъминланди.



Бирлашган Араб Амирликларида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҲУМОЮН БЕКМУРАТОВ ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Ҳар бир ғалаба янги мақсад сари қўйилган қадам

Спортда шундай ғалабалар борки, улар фақат бир кишининг шахсий ютуғи бўлиб қолмай, бутун мамлакатнинг ғурурига айланади. Майдондаги бир неча дақиқалик беллашув ортида эса йиллар давомидаги машаққат, қатъият, сабр ва ўз кучига ишонч мужассам бўлади. Ўзбекистонлик енгил атлетикачи Шарифа Давронованинг халқаро мусобақалардаги муваффақиятлари ҳам ана шундай заҳматли меҳнат самарасидир.



Марям САЛИМЗОДА,
журналист.

2006 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган Шарифа Давронова уч хатлаб сакраш йўналишида ўз иқтидорини намоён этиб, қисқа вақт ичида халқаро спорт майдонида муносиб ўрин эгаллади. Унинг 2023 йилда Ханчжоуда ўтказилган Осиё ўйинларида 14,09 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиши катта спортдаги муҳим ғалабаларидан бири бўлди.

Бироқ бу натижа унинг имкониятлари чегараси эмаслигини кейинги мусобақалар яна бир бор кўрсатди. 2026 йилда Айчи — Нагояда ўтказилган Осиё ўйинларида Шарифа 14,35 метр натижа билан яна бир бор шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шу тариқа у Осиё ўйинларининг икки карра чемпионига айланди ва шахсий рекордини ҳам янгилади.

Бу ғалабалар тасодифий эмас. Уч хатлаб сакраш спортчидан нафақат жисмоний куч ва тезликни, балки ҳаракатлар уйғунлиги, мувозанат, аниқ ҳисоб-китоб ва руҳий барқарорликни ҳам талаб этади. Ҳар бир сакраш — тайёргарлик жараёнидаги юзлаб машқлар, такрор-такрор уриниш ва ўз устида ишлашнинг натижаси.

— Шарифа ёш бўлишига қарамай, катта натижаларга эришди, ***— дейди Самарқанд шаҳри Хўжа Абду Дарун номидаги маҳалла раиси Абдуғаффор Жўраев.*** *— Бунинг ортида қанча меҳнат, машаққат ва интизом бор. Энг қувонарлиси, у эришган ютуқларига маҳлиё бўлиб қолмай, янада юқори марраларни кўзламоқда.*

Менимча, Шарифанинг энг катта ютуғи фақат медалларида эмас, балки йигит-қизларга ўрнак бўлаётганида ҳамдир. Баъзан ёшларга насиҳат қилишдан, Шарифа каби тенгдошларининг натижаларини кўрсатишнинг ўзи кифоя. Биз унинг ҳар бир қадамини қўллаб-қувватлаймиз. Илоҳим, бундан кейин ҳам омади чопиб, юртимизга кўплаб галабалар билан қайтсин. Маҳалламизнинг фахри бўлиб юраверсин.

Шарифа олдига янада юксак марраларни қўйган. Унинг 15 метрлик натижага эришиш нияти спортдаги интилишлари ҳали давом этишини англатади. Зеро, ҳақиқий чемпион эришган ютуғи билан тўхтаб қолмайди, балки ҳар бир ғалабани янги мақсад сари қўйилган қадам деб билади.

Шарифа учун навбатдаги марра ҳали олдинда. Энг муҳими, у ўз имкониятларига ишонади ва янада узоққа сакрашга интилади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ГАЗ БОЗОРИДА ОЛОВЛИ СИНОВ: КИМ ЮТАДИ, КИМ КУЯДИ?

Қишлоқдаги бир хонадонни тасаввур қилайлик. Табиий газ тармоғи етиб бормаган бу уйда овқат пишириш, чой қайнатиш, кундалик рўзғор юмушларини бажариш учун суюлтирилган газ зарур. Баллон ўз вақтида келмаса, хонадон эгаси уни қаердан топиш, қанча пулга сотиб олиш ҳақида бош қотиради.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
журналист.



Бу биргина хонадоннинг ташвиши эмас. Мамлакатимизда 3,7 миллионга яқин оила маиший эҳтиёжлари учун суюлтирилган газдан фойдаланишини ҳисобга олсак, масаланинг кўлами янада ойдинлашади. Газ таъминотидаги муаммоларни фақат баллоннинг кечикиб келиши билан изоҳлаб бўлмайди. Унинг ортида тақсимотдаги узилишлар, ҳудудлар ўртасидаги тафовут, яширин савдо, нархларнинг шаффофлиги ва хавфсизлик талабларига риоя этиш каби бир-бирига боғлиқ масалалар мавжуд.

Расмий маълумотларга кўра, 2025-2026 йилларда суюлтирилган газни ноқонуний сотиш билан боғлиқ 1 200 дан ортиқ қоидабузарлик аниқланган, 471 та ноқонуний савдо нуқтаси фаолияти тўхтатилган. 17 мингдан ортиқ газ баллони ва қарийб 194 тонна газнинг ноқонуний муомалага киритилишига чек қўйилган. Бу ҳолатлар юзасидан 19 та жиноят иши қўзғатилган.

Бу рақамлар масаланинг фақат ҳуқуқбузарлик жиҳатини эмас, таъминот тизимидаги айрим бўшлиқларни ҳам кўрсатади. Агар аҳоли белгиланган тартибда газни ўз вақтида ололмаса, унинг муқобил манба излаши ёки воситачилар хизматидан фойдаланишга мажбур бўлиши эҳтимоли ортади. Шунинг учун ноқонуний савдонинг олдини олиш фақат жазо чоралари билан эмас, балки қонуний таъминотни қулай, барқарор ва шаффоф ташкил этиш орқали ҳам таъминланиши лозим.

РАҚОБАТ БОР, АММО ТАНЛОВ ҲАМ БЎЛАДИМИ?

Мавжуд муаммолар суюлтирилган газ таъминотида янги ёндашув заруратини юзага келтирмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2026 йил 12 сентябрдаги “Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Қарорнинг асосий мақсади — аҳолини суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш, соҳада хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, рақобат муҳитини шакллантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва тизимда молиявий шаффофликни таъминлашдан иборат.

— Ислоҳот дастлаб Андижон вилоятида синов тариқасида бошланади, ***— дейди “LPG-Trade” МЧЖ раҳбари Жамшид Муҳаммадов.*** *— Бу ерда камида иккита хусусий операторнинг фаолият юритиши кўзда тутилган. Улар газни импорт қилиш, сақлаш ва маиший баллонларда аҳолига чакана сотиш билан шуғулланади. Кейинчалик лойиҳа натижаларига қараб, ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган. Зеро, истеъмолчида танлов бўлса, етказиб берувчилар ҳам хизмат тезлиги, қулайлиги ва ишончлилиги учун рақобатлашишга мажбур бўлади.*

Бироқ бу ерда муҳим савол бор: хусусий операторлар фақат аҳоли зич жойлашган, ташиш харажатлари камроқ ва даромад олиш имконияти юқори ҳудудларга интилиб қолмайдими? Чекка қишлоқлар, олис овуллар ва газ баллонини етказиш қимматга тушадиган манзиллар тақдири қандай кечади?

Агар бозордаги рақобат фақат фойдали йўналишлар билан чекланса, ислоҳотнинг асосий мақсади амалга ошмаслиги мумкин. Шу боис хусусий операторлар фаолиятида ҳудудий қамров, хизмат кўрсатиш мажбуриятлари ва аҳолининг барча қатламлари учун тенг имкониятлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

НАРХ ЎЗГАРАДИ, АҲОЛИ ҲАМЁНИ КЎТАРАДИМИ?

Ислоҳотнинг энг нозик нуқтаси — нарх масаласи. Қонунчиликка кўра, 2026 йил 15 ноябрдан аҳоли учун суюлтирилган газнинг чакана нархи бир килограмм учун қўшилган қиймат солиғи билан 5 минг сўм этиб белгиланади. Газни аҳолига етказиб бериш хизмати учун бир килограммга 1 300 сўмлик чегаравий нарх белгилаган.

Бу ерда икки хил тўловни фарқлаш муҳим: 5 минг сўм — газнинг чакана сотиш нархи, 1 300 сўм эса уни етказиб бериш хизмати учун белгиланган чегаравий нарх. Истеъмолчи учун эса бу тўловлар ҳисоб-китобда қандай акс этиши ва якунда қанча маблағ сарфлаши аниқ тушунтирилиши керак.

Шу сабабли амалдаги тартибга кўра, Ижтимоий реестрга киритилган оилалар, шунингдек, белгиланган моддий мезонларга мос келадиган айрим хонадонларга харид қилинган ҳар бир килограмм суюлтирилган газ учун 3 минг сўмдан компенсация берилади. Бир ойда кўпи билан 20 килограмм газ учун, яъни 60 минг сўмгача тўлов амалга оширилади. Бу тартиб 2030 йил 1 январга қадар амал қилади.

Бунда компенсация тайинлаш жараёнини соддалаштириш, уни олиш шартлари ва тартибини аҳолига аниқ тушунтириш зарур. Аризаларни “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари орқали қабул қилиш билан бирга, электрон мурожаат имкониятини ҳам кенгайтириш лозим. Рад этилган аризалар бўйича фуқарога тушунтириш ва қайта мурожаат қилиш имконияти берилиши шарт.

НАЗОРАТГА КИМ МАСЪУЛ?

Хусусий операторлар сони кўпайган шароитда уларнинг фаолиятини ким ва қандай мезонлар асосида текшириши ҳам аниқ бўлиши зарур. Акс ҳолда, идоралар ўртасида вазифалар тақсимлангани билан амалдаги масъулият ноаниқ қолиши мумкин.

Янги қарорда назорат бир нечта йўналиш бўйича масъул идоралар ўртасида тақсимланган. Энергетика вазирлиги соҳадаги ислоҳотларни мувофиқлаштиришда иштирок этади. Ўзэнергоинспекция газ билан боғлиқ техник талаблар ва белгиланган қоидаларга риоя этилишини назорат қилишда муҳим ўрин тутади. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси бозорда нархларни сунъий ошириш, рақобат қоидаларини бузиш ва истеъмолчилар манфаатларига зарар етказиш ҳолатларининг олдини олишга масъул.

Шу билан бирга, газнинг ноқонуний муомаласига қарши рейд тадбирларида Ички ишлар вазирлиги ходимлари иштирок этади. Бу тадбирлар ноқонуний сақлаш ва сотиш, ажратилган газдан белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлашга қаратилган.

Демак, назоратнинг ҳуқуқий асоси ва масъул тузилмалар белгиланган. Энди асосий вазифа — идоралар ўртасидаги маълумот алмашинувини йўлга қўйиш, ҳар бир босқичдаги масъулиятни аниқ белгилаш ва қоидабузарлик аниқланганда, тезкор чора кўришдан иборат. Назорат фақат текширув ва жарима билан чекланмаслиги, балки муаммонинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга ҳам хизмат қилиши керак.

Зеро, суюлтирилган газ таъминоти — бу шунчаки савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳаси эмас. У миллионлаб оилаларнинг кундалик эҳтиёжи, турмуш қулайлиги ва ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масаладир. Янги тартибнинг муваффақияти ҳам рақобатнинг қанчалик кучайгани ёки қанча текширув ўтказилгани билан эмас, балки бир баллон газни кутаётган хонадоннинг ташвиши қанчалик енгиллашгани билан баҳоланади.


Сукут сақлаган боланинг қалби сокин бўладими?

ҲАЁТ САБОҒИ

Ота-она учун фарзандининг гапга қулоқ солиши, айтганини икки қилмаслиги, эътироз билдирмаслиги қувонарли ҳолдек туюлади. Бундай болани кўпинча “одобли”, “тарбияли”, деб таърифлаймиз. Аммо у ҳақиқатан ҳам яқинларини ҳурмат қилгани учун сукут сақлаяптими ёки ўз фикрини билдиришга қўрққаниданми?

Зилола ХУДОЁРОВА, психолог.

Бу икки ҳолат ўртасида катта фарқ бор. Ҳурмат ишончдан туғилади, қўрқув эса болани хатоларини яширишга, кечинмаларини билдирмасликка ундайди. Шу боис ҳаддан ташқари итоаткорликни ҳар доим ҳам яхши тарбия белгиси, деб бўлмайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

ҲАДИК ОРТИДАГИ КЎРИНМАС ХАВФ

Тасаввур қилинг, бола мактабдан паст баҳо олиб келди. Уйга кириши билан ота-онасининг кайфиятини кузатади, бу ҳақда қандай айтишни ўйлайди. Ҳатто воқеани яширишга уринади. Бундай ҳолат хатоси учун бақириш ёки жазоланишдан қўрқиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Агар оилада камчилик учун доим танбеҳ берилса, бола вақт ўтиши билан ҳақиқатни айтишдан кўра, уни беркитишни афзал кўради. У ота-онасининг кайфиятини кузатишга, ҳар бир сўзини ўйлаб гапиришга одатланади. Ҳолбуки, бола ўз уйида ўзини эркин ва хавфсиз ҳис қилиши керак.

Яна бир эътиборли белги — фарзанднинг фикр билдиришдан тийилиши. “Билмайман”, “Сиз нима десангиз, шу”, “Менга фарқи йўқ” каби жавоблар баъзан бефарқлик эмас, айтишдан қўрқишни англатиши мумкин. Агар боланинг эътирози мунтазам рад этилса ёки масхара қилинса, у аста-секин қарашларини билдирмасликни ўрганади.

Баъзи болалар ота-онаси олдида йиғламасликка, қўрқуви ёки хафалигини билдирмасликка ҳаракат қилади. Гўдакнинг қўрқиши ёки хафа бўлиши табиий. Ота-онанинг вазифаси унинг ҳисларини инкор этиш эмас, тушуниш ва тўғри ифодалашга ёрдам беришдир.

Агар фарзанд ота-онаси билан суҳбатдан қочса, саволларга қисқа жавоб берса ёки улар яқинлашганда ўзини ноқулай ҳис



қилса, бу ҳам эътибор талаб қиладиган вазият. Айниқса, оиладаги мулоқот кўпинча бақириш, танбеҳ ва таҳдид билан кечса, болада катталар билан гаплашишнинг ўзи хавотир уйғотиши мумкин.

ҚЎРҚУВ ЭМАС, ИШОНЧ ТАРБИЯЛАЙДИ

Бола тарбиясида интизом ва талабчанлик муҳим. Аммо бу қўрқитиш ёки камситиш дегани эмас. Фарзанд хато қилганда дарҳол танбеҳ беришга шошилмаслик, унинг сабабини тушунишга ҳаракат қилиш керак. Фикрини ҳурмат қилиш, ҳис-туйғуларини инкор этмаслик ҳам ишончли муносабатнинг асосидир.

Ота-она ҳам баъзан хатога йўл қўяди. Жаҳл устида ноҳақ гапирган бўлса, фарзандидан кечирим сўраши унинг обрўсини туширмайди. Аксинча, болага хатони тан олиш ва муносабатларни тиклаш мумкинлигини ўргатади.

Агар фарзанднинг ота-онаси-дан доимий қўрқиши ёки ҳиссий ҳолатида сезиларли ўзгаришлар кузатилса, бунинг сабабларини ўрганиш, зарур ҳолларда болалар психологига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Зеро, яхши тарбияланган бола фақат катталарнинг айтганини бажарадиган эмас, балки ўз фикрини эркин билдирадиган, хатосини яширишдан қўрқмайдиган ва қийинчиликка дуч келганда, энг аввало, ота-онасига мурожаат қиладиган фарзанддир. Оила бола учун уни қандай бўлса шундайлигича қабул қилинадиган маскан бўлиши керак.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.
8 307 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120